ФАЗО ҚАҲРАМОНЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 21 июль 1974 йил, якшанба • № 170 (15.950). • Баҳоси 2 тийин.

◆ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИ СИЛЕЗИЯ ВА КАТОВИЦЕ МЕҲНАТКАШЛАРИ ҚИЗҒИН КУТИБ ОЛДИЛАР.

◆ ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА КАТТА ТАНТАНА.

◆ САМИМИЙ ВА ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР.

ПОЛЬША—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ АБАДИЙ ВА БУЗИЛМАСДИР

КАТОВИЦЕДА ОММАВИЙ МИТИНГ

Силезиялик шахтёрлар, металлургларг, металлчилар, бошқа ишчи касбларининг вакиллари, зиёлилар, ишчилар ҳаракатининг ветеранларидан ўн мингдан кўпроқ киши Польша — Совет дўстлигига бағишланган оммавий митингда қатнашмоқ учун бугун тушдан кейин спорт саройига тўпланишди.

Л. И. Брежнев, Э. Герек, П. Ярошевич ўртоқлар Польшанинг бошқа раҳбарлари митинг президиумида пайдо бўлганларида мажлис аҳли уларни гулдурос қарсаклар билан, Польша — Совет дўстлиги шарафига, поляк ва совет халқларининг бузилмас бирлиги шарафига, ПБИП ва КПСС шарафига айтилган хитоб сўзлари билан кутиб олди.

Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикасининг давлат гимнлари тантанавор янграйди.

ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ПБИП Катовице Воеводлиги қомитетининг биринчи секретари З. Грудзень, митингни очатуриб бундай деди: биз қардош Совет Иттифоқи раҳбарини, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбобини, атоқли давлат арбоби ва халқимизнинг яқин дўсти — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни Польша коммунистлари ишчилар синфи, бутун Катовице Воеводлиги номидан чин калбдан табриклаймиз. Нотиқ ўртоқ Л. И. Брежнев Польша диёрини озод қилишда шахсан иштирок этганлигини поляк халқи чуқур миннатдорчилик ҳислари билан эслаётганлигини, совет халқи ва унинг Коммунистик партиясининг буюк жасорати поляклар қалбида абадий сақланиб қолажагини таъкидлайди. З. Грудзень бундай деди: Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик ва унинг ёрдами туфайли Польшада 1500 дан кўпроқ йирик саноат корхонаси ва бошқа хўжалик объектлари қурилди. Бу корхоналарнинг ҳар бири Совет Иттифоқининг ёрдами тўғрисидаги, бу ерда поляклар билан бирга ишлаган совет мутахассисларининг номлари ҳақидаги эзгу хотирани авайлаб сақламоқда.

Бу ерда ҳозир бўлган кишилар ўртоқ З. Грудзеннинг ўртоқ Л. И. Брежневга қаратилган қуйидаги сўзларини давомли қарсаклар билан кутиб оладилар:

— Биз сизни Совет Иттифоқининг Польша Халқ Республикаси билан бирлиги ва дўстлигини мустаҳкамлаш сиёсатининг ижодкори сифатида, халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришнинг ташаббускори сифатида, раҳбарлик сифатида табриклаймиз. Биз ўртоқ Л. И. Брежневни тинчликнинг буюк иши, барча халқлар учун энг муҳим иш учун атоқли курашчи сифатида табриклаймиз.

В. И. Ленин номидаги шахта кончиси Ч. Флорчик, Ченстоховдаги Б. Берут номли завод металлурги К. Каршия, Польша ишчилар ҳаракати арбоби Р. Нешпорек, ёшлар вакиласи Л. Мицкик митинг минбарига чиқиб поляк ва совет халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликнинг, ПБИП ва КПСС монолит бирлигининг жуда катта аҳамияти тўғрисида гапирдилар.

Сўзга нуқтаи нотиқлар халқ Польшасининг 30 йиллигига бағишланган тантаналарда ўртоқ Л. И. Брежнев ҳозир бўлганлигидан ғоят мамнун эканликларини изҳор этдилар. Улар ўз сўзларида ўртоқ Л. И. Брежнев коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ғоялари жаҳоннинг келажагини белгилаб бераётган партиянинг Бош секретари эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Улар ўртоқ Л. И. Брежневни тинчлик учун толмас курашчи, атоқли давлат арбоби, жаҳонда энг қудратли давлат раҳбари: халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлиги тарафдори сифатида таърифладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга сўз берилади. Залда яна давомли қарсаклар бошланади, КПСС ва ПБИП шарафига бузилмас Совет — Польша дўстлиги шарафига хитоб сўзлари янграйди.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Азиз ўртоқ Герек!
Азиз ўртоқ Грудзень!
Азиз поляк дўстлар!

Силезия ва Домбровский кўмир ҳавзасининг меҳнаткашлари билан учрашаётганимдан ғоят хурсандман. Бу ерга келган пайтимдан бери ўзимни жонажон ишчилар оиласида деб ҳис қиляпман. Партиямиз билан Совет халқи тўғрисида айтилган эзгу, самимий сўзлар учун ташаккур. Менга кўрсатилган юксак шараф учун мени ўз юртдошингиз деб ҳисобласак ҳуқуқи берилганлиги учун ташаккур.

Катовице воеводлигининг граждани бўлиш айниқса фахрли, чунки ўлкангизнинг революцион анъаналари кўпдан бери мамлакат тақдирига ҳам доврўг ёйган. Воеводликнинг ҳозирги роли ҳам яхши маълум. Уни ҳақли равишда социалистик Польшанинг индустриал юраги деб аташ мумкин.

Бу ерга, шу ўлкага мен биринчи бор Польшани озод қилиш учун олиб борилган қизғин жанг дамларида келган эдим. Бизнинг армиямиз оғир жангларда Карпат тоғи орқали ёриб ўтиб, мамлакатингизнинг жанубий қисмига тушган эди. Сизнинг жангчиларингиз билан биргаликда биз шиддатли жангларда поляклар диёрининг ҳар бир қаричини гитлерчи босқинчилардан озод қила бошладик. Ғалабаларга биргаликда хурсанд бўлдик ва жанговар ўртоқларимиздан жудо бўлиш мусибатини бирга тортдик. Ўша пайтлар яхши эсимда. Халоскор солдатларни табриклаб турган минг-минглаб кишилар. Уларнинг кўзларидаги қувонч ёшлари. Ўз-ўзидан бошланиб кетган митинглар, ҳаяжонли дўстлик сўзлари. Ўша пайтдаёқ совет жангчилари дўстликка содиқ бўлиб қолиб, қонли жанглар давом этаётганлигига қарамай поляк ишчиларига ёрдам беришга шошилдилар, улар билан бирга Силезия шахталари ва заводларини қайта тиклашга киришдилар.

Ўша унутилмас кунларда мен Закопане. Чарни-Дунаец ва Яблонкада, Краковда ва сизларнинг Катовицеда бўлган эдим. Ўша пайтдаёқ мен Владимир Ильич Ленин кўпгина ажойиб асарларини яратган, думанинг биринчи большевистик депутатлари билан кенгаш ўтказган Поронинони зиёрат қилган эдим. Ленин Польшада икки йил яшаб, ишлади. У сизларнинг мамлакатингизни яхши билар ва севар эди, Польша ишчилар ҳаракатини ривожлантиришга кўп эътибор берар эди.

Ҳозир ленинизмнинг муваффар байроғи остида ер юзининг каттагина қисмида янги дунё барпо этилмоқда. Ленинизм поляклар диёрида ҳам тантана қилмоқда, халқ Польшаси меҳнаткашларининг яққол ишларида мужассамлашмоқда.

Азиз ўртоқлар, сизларни ажойиб юбилей — социалистик Польшанинг 30 йиллиги билан чин кўнгилдан муборакбод этмоқчиман. Сизларга Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан, мамлакатимизнинг барча меҳнаткашларидан қизғин салом!

Мамлакатингиз социалистик йўлдан ривожлана бошлагандан бери ўтган ўттиз йил бутун бир тарихий даврга тенг келади десам муболаға қилмаган бўламан деб, ўйлайман. Дарҳақиқат шундай, чунки коммунистлар раҳбарлигида янги Польша бунёдга келиб, мустаҳкамланди, бу ерда бутун ҳокимият меҳнаткашлар қўлидадир. Дарҳақиқат шундай, чунки мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучлари кўп баравар юксалди. Дарҳақиқат, шундай, чунки поляк халқининг турмуш тарзи, унинг яшаш шароитларининг ўзи тубдан ўзгариб кетди.

Шу муваффақиятларнинг ҳаммасини Польша ишчилар синфи — унинг ҳоҳиш-иродаси ва куч-гайрати, унинг юксак революцион онги вужудга келтирди.

Польша эндигина қайта тикланаётган пайтда, мамлакат учун энг оғир бўлган вақтда поляк ишчилари ҳақли равишда халққа бош бўлдилар, унга ишонч ва умидворлик бахш этдилар, янги турмуш қуришга руҳлантирдилар. Вайроналар ўрнида соҳибжамол Варшава қад кўтарди. Ишчиларнинг олтин қўллари уй-жой биноларини кварталма-квартал тиклайберди, тўхтаб қолган шахталар ва заводларга жон киритди, домналарни юргизиб юборди, университет корпусларини қайта тиклади, хонавайрон бўлган қишлоқларнинг оёққа туришига ёрдам берди.

Ишчилар синфи янги, социалистик давлатни барпо этишнинг жон-тани бўлди. Унинг етакчилик роли шароитида чинакам мустаҳкам, чинакам халқ давлати барпо этилди, бу давлат ўзининг демократизми билан, ўзининг ҳар бир меҳнаткаш инсон эҳтиёжларига ва манфаатларига эътибори билан кучлидир. Революционерларнинг кўп авлодлари шундай Польшани орзу қилган эдилар. Силезия ва Домбровский кўмир ҳавзаси, Варшава ва Лодзь пролетарлари шундай Польша учун жанг қилган эдилар.

Ишчилар синфи эксплуататорлар ва улар малайларининг қаршилигини синдириб, деҳқонлар ва меҳнаткаш зиёлилар билан мустаҳкам иттифоқ тузди ҳамда шу йўл билан биринчи марта миллатни ҳақиқатан ҳам бирлаштирди. Ўтмишда муҳтожлик ва ҳуқуқсизлик дастидан бутун дунёга таралиб кетган минг-минглаб поляклар бугун Польшани ўзларининг ёшарган гўзал ватани деб билаётганликлари, у билан фахрланаётганликлари бежиз эмас.

Ишчилар синфи поляклар-нинг даҳоси бунёд этган ҳамма энг яхши нарсаларни ардоқлабгина қолгани йўқ. Унинг марксизм-ленинизм идеологияси, инсонпарварлик эътиқоди, ахлоқи халқнинг маънавий бойликларини чексиз бойитди Худди шу ишчилар синфи миллий маданиятга янги ҳаёт бахш этди, уни чинакам ватанпарварлик маданиятига ва шу билан бирга чуқур интернационалистик маданиятга айлантирди.

Социализм ривожланган сари ишчилар синфининг ўзи ҳам ўзгармоқда. Ишчилар синфи жамият тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олиб мамлакатдаги аҳволга давлат нуқтаи назаридан қараш ҳислатини ўзига сингдирмоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, омманинг ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш, халқ мулкини авайлаб асраш унинг жонажон иши бўлиб қолмоқда. Ишчилар синфи ўзининг шу социалистик онгини ўз иттифоқчиларига ҳам ўргатмоқда, бутун миллатга сингдирмоқда.

Ҳозир Польшада ишчилар синфи иззат-икром ва ҳурмат қилинаётганлиги мутлақо ўринлидир.

Польша Бирлашган ишчи партияси революционлик, ғоявийлик, уюшқоқлик сингари ишчилар синфига хос ҳамма фазилатларни ўйғун тарзда ўзида мужассамлаштирган. Халқ Польшасининг муносиб раҳбари — коммунистлар партияси ўзининг омма билан алоқасини доимо мустаҳкамламоқда, ундан ўрганмоқда ва шу билан бирга уни ўз орқасидан эргаштириб бормоқда. Социализм қурилиши умумий қонуниятларидан ижодий фойдаланиш, раҳбарлик форма ва методларини доимо такомиллаштириш, нусха кўчиришга муросасизлик ва янгиликни нозик ҳис этиш каби унинг ҳозирги фаолиятига хос белгилар ана шундан келиб чиқади. Польшада бўлгани каби бизнинг мамлакатимизда ҳам партиямиз Марказий Комитети ва унинг биринчи секретари, поляк ишчилар синфининг ажойиб фарзанди, шонли ўлкангизнинг фарзанди, атоқли марксчи-ленинчи ўртоқ Эдвард Герек зўр ҳурмат қозонган.

Азиз ўртоқлар! Социалистик Польша ўзининг 30 йиллигини дўстлар даврасида кутиб олмоқда. Шу кунларда Совет Иттифоқида халқларимиз биргаликда босиб ўтган, аҳил бўлиб, жипслашиб, самарали тарзда босиб ўтган йўлни эсга олмоқдалар. Совет Иттифоқи социалистик Польшанинг содиқ дўсти ва ишончли иттифоқчиси бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қолади!

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар том маънодаги кенг қамровли муносабатлар бўлиб қолди. Партиялар ва давлатлар йўли билан кенг миқёсдаги сиёсий ҳамкорлик ҳам, совет халқи билан поляк халқининг жуда яқин маънавий алоқаси ҳам, Совет Армияси билан Польша қўшинлари ўртасидаги жанговар дўстлик ҳам, иқтисодий ҳамкорликнинг ғоят ривож топган системаси ҳам шу жумлага киради.

Поляк кемасозлари қўли билан қурилган кемалар Совет байроғи остида океанларни кезиб юрибди. Совет Иттифоқи билан ҳамкорликда Плоцкда қурилган нефть химияси комбинати ҳар йили тўққиз миллион тонна совет нефтини қайта ишлаб беримоқда. Бизга Польша етказиб берган қанд-шакар, цемент ва химия заводлари совет кишилари орасида яхши шуҳрат қозонган. Совет кишиларининг кўмаги билан қурилган Новая Гута металлургия комбинати мамлакатингизни индустриялашга катта ҳисса бўлиб қўшилди. Бундай мисоллар жуда кўп. Ончагина ишлар бошлаб қўйилган, уларнинг режалари тузилган. Мана бугун ҳам биз Катовице металлургия гиганти қурилиши билан танишдик. Бу корхонанинг асбоб-ускуналари совет корхоналарида тайёрланмоқда.

Социализм мамлакатлари аҳил оиласининг ҳаётига социалистик иқтисодий интеграция тобора кучли кириб бормоқда, ҳамма учун фойдали ва оқилона меҳнат таксимоти кучаймоқда. Буни сизлар ўз тажрибангизда яхши кўриб турибсиларр. Воеводлигизнинг шахтёрлари ва металлурглари, химиклари ва енгил саноат ходимлари Польша эҳтиёжларигагина эмас, шу билан бирга бутун социалистик ҳамдўстлик эҳтиёжларини ҳам кўзлаб ишламоқдалар. Свердловскдаги «Уралмаш», Иендаги «Карл Цейс» заводи. Будапештнинг Чепель, ЧКД — «Прага», София яқинидаги Кремиков комбинатининг, барча қардош мамлакатлардаги минг-минглаб корхоналарининг меҳнатчилари ҳам шуни кўзлаб ишламоқдалар. Бу эса фан-техника революцияси ютуқларини тезроқ эгаллаб олишда, иқтисодий потенциални янада ўстириш, халқ фаровонлигини юксалтириш вазифаларини муваффақиятлироқ ҳал этишда ҳаммамизга имкон беради.

Азиз ўртоқлар! 125 йилдан ортиқ вақтдан бери ишчилар синфи Маркс билан Энгельснинг «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган шиоридан илҳом олиб келмоқда. Интернационализм — ишчилар синфининг энг муҳим ва олижаноб фазилатларидан биридир. Бинобарин биз ҳам жаҳон миқёсидаги ишчилар синфининг бирдамлиги доимо мустаҳкамланиб бораётганлигига ҳурсандмиз.

Ишчилар синфи қаҳрамон Вьетнамга қудратли мадад берганлиги факт-ку, ахир. Коммунистлар ҳам, социалистлар ҳам, ишчилар синфининг бошқа сиёсий оқимлари ҳам Чилидаги фашизм ёвузликларига қарши оммавий норозилик кампаниясида биргаликда қатнашаётганлиги факт-ку, ахир. Кўпгина мамлакатлар ишчилар ҳаракати миллий отрядларининг империалистик монополиялар зўравонлигига қарши, социал тараққиёт учун биргаликда олиб бораётган курраши ҳам, капитал дунёсидаги сўл кучларнинг ҳам миллий, ҳам интернационал доирадаги ҳамкорликка сезиларли равишда интилаётганлиги ҳам пролетар бирдамлиги мустаҳкамланаётганлиги д а н далолат беради.

Жаҳон коммунистик ҳаракатида янада мустаҳкамроқ бирликка, биргаликда ҳаракат қилишга интилиш тобора активроқ намоён бўлмоқда.

Кўпгина Коммунистик ва ишчи партиялар ҳозир янги халқаро учрашувларни тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисидаги масалани ўртага қўяётганликлари бежиз эмас.

(Давоми иккинчи бетда).

Суратда: Ўртоқ Л. И. Брежневни аэродромда кутиб олиш пайти.

В. Мусаэльян ва В. Соболев фотоси. (ТАСС).

«САЛЮТ-3» ОРБИТАЛ ИЛМИЙ СТАНЦИЯСИНИ ВА «СОЮЗ-14» ТРАНСПОРТ КЕМАСИНИ ТАЙЁРЛАШДА ВА ПАРВОЗНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТНАШГАН ОЛИМЛАРГА, КОНСТРУКТОРЛАРГА, ИНЖЕНЕРЛАРГА, ТЕХНИКЛАРГА ВА ИШЧИЛАРГА, БАРЧА КОЛЛЕКТИВЛАРГА ВА ТАШКИЛОТЛАРГА СОВЕТ КОСМОНАВТЛАРИ ПАВЕЛ РОМАНОВИЧ ПОПОВИЧ, ЮРИЙ ПЕТРОВИЧ АРТЮХИН ЎРТОҚЛАРГА

Азиз ўртоқлар!

Космик фазони тадқиқ қилиш программасига мувофиқ Совет Иттифоқида «Салют-3» илмий станцияси Ер атрофидаги орбитага чиқарилиб, сўнгра кема командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси полковник П. Р. Попович билан бортинженер инженер-подполковник Ю. П. Артюхиндан иборат экипаж тушган «Союз-14» транспорт кемасини учириш амалга оширилди. «Союз-14» кемасининг экипажи кемани «Салют-3» орбитал илмий станцияси билан туташтирди ва унинг ичига ўтгандан кейин 15 кечаю-кундуз давомида илмий-техникавий ва медицина-биологик тадқиқотлар ҳамда экспериментларнинг кенг программасини бажарди. Иш программаси тугалланганидан кейин П. Р. Попович ва Ю. П. Артюхин ўртоқлар «Союз-14» транспорт кемасини «Салют-3» станциясидан ажратиб, Совет Иттифоқининг белгиланган районига эсон-омон қўндилар. «Салют-3» станцияси мустақил учишни давом эттирмоқда.

Шундай қилиб, совет фани ва техникаси, қаҳрамон космонавтлар космик фазони ўзлаштиришда яна бир муҳим қадам қўйдилар. Орбитал илмий станцияларнинг ва уларга хизмат қилиш учун транспорт кемаларнинг яратилганлиги космосни ўрганишда ҳамда олинган натижалардан амалий фойдаланишда кенг истиқболлар очиб беради.

Замонавий космик техникани ишлаб чиқиш ва яратиш билан, партия ва ҳукумат қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш билан, Сиз тўққизинчи беш йиллик топшириқларини, коммунистик қурилишнинг КПСС XXIV съезди белгилаб берган улуғвор планларини амалга ошириш соҳасида совет халқининг фидокорона меҳнатига ўз муносиб ҳиссангизни қўшмоқдасиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Сиз, азиз Павел Романович Попович ва Юрий Петрович Артюхин ўртоқларни космик парвоз муваффақиятли тугалланиши билан самимий қутлайдилар.

«Салют-3» орбитал илмий станцияси билан «Союз-14» транспорт кемасини тайёрлашда ва космик парвозни амалга оширишда қатнашган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчиларни, барча коллективлар ва ташкилотларни қизғин қутлаймиз.

Л. БРЕЖНЕВ Н. ПОДГОРНИЙ А. КОСИГИН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Маълум қиламизки:

Командир полковник П. Р. Попович ва бортинженер инженер-подполковник Ю. П. Артюхиндан иборат экипаж «Союз-14» транспорт кемасида космик парвозни ва «Салют-3» орбитал илмий станцияда иш программасини бажариб бўлгачидан кейин 1974 йил 19 июлда Совет Иттифоқининг белгиланган районига қўнди.

Биз «Салют-3» орбитал илмий станцияси ичида 15 сутка учиш давомида илмий-техникавий ва медицина-биологик тадқиқотлар ҳамда экспериментларнинг кенг программасини бажардик.

Станция ва кеманинг барча системалари нормал ишлаб турди.

Космик парвозни амалга оширишни бизга ишониб топширганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига қизғин ташаккур билдирамиз.

Ўзимизни яхши ҳис этмоқдамиз, Ватаннинг янги топшириқларини бажаришга тайёрмиз.

Экипаж командири полковник ПОПОВИЧ
Бортинженер инженер-подполковник АРТЮХИН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

«Салют-3» орбитал илмий станциясини ва «Союз-14» транспорт кемасини яратишда ҳамда буларда кема командири полковник П. Р. Попович билан бортинженер инженер-подполковник Ю. П. Артюхиндан иборат экипажнинг парвозини амалга оширишда қатнашган биз, олимлар, конструкторлар, инженер-техниклар, ишчилар ва космонавтлар коллективларимиз ва ташкилотларимиз ишига доимо ғамхўрлик қилиб, эътибор бериб келаётганликлари учун, самимий табрик сўзлари учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига чуқур миннатдорчилик изҳор этамиз.

Коммунистик партиянинг ленинчи Марказий Комитетини ва Совет ҳукуматини ишонтириб айтамизки, совет фани манфаатларини кўзлаб, инсоният бахт-саодати йўлида космосни бундан буён ҳам ўзлаштириш планларини муваффақиятли амалга ошириш учун бутун куч ва билимларимизни сарфлаймиз.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ, СССРНИНГ КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ П. Р. ПОПОВИЧНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА ИККИНЧИ «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-3» орбитал илмий станциясида ва «Союз-14» транспорт кемасида парвозни муваффақиятли амалга оширганлиги ҳамда бунда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси ўртоқ Павел Романович **Попович Ленин** ордени ва иккинчи **«Олтин Юлдуз»** медали билан мукофотлансин

Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ П. Р. Поповичнинг жасоратини нишонлаш юзасидан қаҳрамоннинг юртида унинг бронза бюсти ўрнатилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1974 йил 20 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КОСМОНАВТ-УЧУВЧИ ЎРТОҚ Ю. П. АРТЮХИНГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-3» орбитал илмий станциясида ва «Союз-14» транспорт кемасида парвозни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун космонавт учувчи ўртоқ Юрий Петрович **Артюхинга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ҳамда **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1974 йил 20 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ю. П. АРТЮХИНГА «СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-3» орбитал илмий станциясида ва «Союз-14» транспорт кемасида космик парвозни амалга оширганлиги учун ўртоқ Юрий Петрович **Артюхинга «СССР космонавт учувчиси»** унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1974 йил 20 июль.

СОЦИАЛИЗМ ЙЎЛИДАН ЎТТИЗ ЙИЛ

19 июль куни П. И. Чайковский номидаги концерт залида Польша Халқ Республикаси ташкил топган кунниг 30 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Президиумда Ф. Д. Кулаков, А. Н. Шелепин, К. Ф. Катушев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. А. Лесечко, СССР министрлари, ишлаб чиқариш илғорлари, партия, совет ходимлари, фан ва маданият арбоблари, ҳарбий бошлиқлар ўтиришибди.

Москваликлар Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Польша касаба союзлари марказий Совети раисининг ўринбосари Т. Рудольф бошчилигидаги Польша — Совет дўстлиги жамиятининг делегациясини самимий табрикладилар.

СССР парламент группасининг раиси, Совет — Польша дўстлиги жамияти марказий правлениесининг раиси А. П. Шитиков доклад қилди.

Польша делегациясининг бошлиғи Т. Рудольф шуни таъкидладики, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, Польшанинг қалин дўсти ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Польша Халқ Республикасига қилаётган визити Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг халқ Польшасига, Польша Бирлашган ишчи партиясига самимий муносабатининг ёрқин исботидир.

Сўнгра Т. Рудольф айтдики, Польша ўзининг 30 йил мобайнидаги бутун фаолияти билан социалистик мамлакатларнинг бирдамлигини ва баҳамжиҳат фаолиятини мустаҳкамлашга муттасил интилиб келаётганлигини кўрсатди. Биз марксизм-ленинизм идеологиясидан келиб чиқадиган мақсадларнинг узвий бирлигини ифодаловчи Польша — Совет иттифоқига алоҳида аҳамият берамиз. (ТАСС).

★

СОВЕТ—ЯМАН МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

19 июлда Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний билан Яман Халқ Демократик Республикаси Миллий фронти марказий комитетининг бош секретари, президентлик кенгашининг аъзоси, Олий халқ кенгаши доимий комитетининг раиси Абдул Фаттоҳ Исмоил ўртасида олиб борилган музокаралар тугади.

Дўстона вазиятда ва тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтган музокаралар чоғида икки томонлама муносабат масалалари, бу муносабатларни янада ривожлантириш, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтираётган актуал халқаро проблемалар юзасидан батафсил фикрлашув давом эттирилди.

Яман Халқ Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг СССРга қилган визити натижалари тўғрисида қўшма ахборот қабул қилинди. Қўшма ахборот матбуотда эълон қилинади.

Шу куни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Яман Халқ Демократик Республикаси ҳукумати ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги шартномани имзолаш маросими бўлди.

Шартномани имзолаш маросимида Н. В. Подгорний, А. А. Громико, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов ўртоқлар ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Яман томонидан Яман Халқ Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

ЯХДР ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ЯХДР Миллий фронти Марказий Комитетининг бош секретари, президентлик кенгашининг аъзоси, Олий халқ кенгаши доимий комитетининг раиси Абдул Фаттоҳ Исмоил бошчилигидаги Яман Халқ Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси 20 июль куни Москвадан жўнаб кетди. Делегация КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди.

Делегация Ленинград ва Тбилисига боради.

ЯХДР ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совет Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Д. Ф. Устинов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

ЯХДРдан келган меҳмонларни совет пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари самимий кузатиб қолдилар.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Т. Кулатов, СССР ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси М. Д. Ситенко, СССРнинг ЯХДРдаги элчиси А. С. Семиошкин делегация билан бирга мамлакат бўйлаб сафарга жўнаб кетди (ТАСС).

ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН

МОСКВАДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Совет денгизчилари катта байрамни нишонладилар — 18 июль куни СССР денгизчилар савдо флоти 50 ёшга тўлди.

СССР денгиз флоти — халқ хўжалигининг ғоят ривож топган тармоғидир. Ўзларининг интернационал бурчларини адо этиб, чет элларда социалистик Ватанимиз номидан муносиб вакиллик қилаётган денгизчилар билан совет халқи фахрланади.

Москвадаги Кремлнинг Съездлар саройида денгиз транспортининг юбилейига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилиш аҳли А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, А. Н. Шелепин, М. С. Соломенцев ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар. СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Т. Кулатов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, таниқли ҳарбий бошлиқлар, денгиз транспортининг ветеранлари ва илғорлари, чет эллик меҳмонлар ҳам президиумга чиқадилар.

Йиғилишни Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов очди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. А. Яснова сўз берилди.

— Денгиз флоти,—деди М. А. Яснов,—мамлакат яхлит транспорт тармоғининг таркибий қисмидир —халқ хўжалигининг юксак даражада рентабелли, йирик тармоғидир. Улуғ Октябрь ғалабасидан кейинги дастлабки йилларда уни ривожлантиришга замин солинган эди. Денгиз хўжалигини ривожлантириш масалаларини ҳал этишда Владимир Ильич Ленин шахсан иштирок этди. Партия билан ҳукумат Ленин йўл-йўриқларига амал қилиб, денгиз транспортини ривожлантириш масалаларини энг муҳим масалалар қаторида кўриб чиқиб, ҳал этмоқдалар.

Ҳозир Советлар мамлакатининг байроғи мағрур хилпираб турган кемалар дунёнинг ҳамма кенгликларида сузиб юрибди. Флот составида пассажир лайнерлари ҳамда халқ хўжалик юкларини ташиш учун зарур бўлган барча типдаги кемалар бор.

Сўнгра М. А. Яснов социалистик мусобақа ташаббускори бўлган кемалар, портлар, денгиз транспорти корхоналари коллективларини тилга олди.

КПСС Марказий Комитети, унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлидаги актив, собитқадам ва самарали ташқи сиёсат фаолиятини барча совет кишилари якдиллик билан маъқуллашмоқдалар, деб таъкидлади нотиқ.

Партиямиз Марказий Комитетининг сайлов олди Мурожаати, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва Бауман сайлов округи сайловчилари билан учрашувда сўзлаган чуқур маъноли, ёрқин нутқи совет кишиларининг ижодий куч ва ғайратларини янада жўш урдириб юборди.

Пировардида М. А. Яснов шуни айтдики, денгиз транспорти ходимлари совет халқининг зафарли ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар, уларнинг фидокорона меҳнатига партия билан давлат юксак баҳо берди.

М. А. Яснов СССР Олий Совети Президиумининг денгиз флотини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонини ўқиб эшиттиради ва гулдурос қарсаклар остида ордени денгиз флоти байроғига тақиб қўяди.

Денгиз флоти министри Т. Б. Гуженкога сўз берилади. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг денгиз транспорти ходимларига йўллаган табрикномасидаги самимий сўзлар, Ватаннинг олий мукофоти —Ленин ордени денгизчиларни меҳнатда янги-янги зафарларга руҳлантирмоқда, деди у.

Шу тантанали кунда денгиз транспорти ходимлари Денгиз Флотига берилаётган катта эътибор учун, унинг иши юксак баҳоланганлиги учун КПСС Марказий Комитетига, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига самимий миннатдорчилик изҳор этадилар ҳамда Ватаннинг ҳар қандай топшириқларини бажаришга тайёрмиз, деб партия билан ҳукуматни ишонтирадилар!

Советлар мамлакатининг Денгиз Флоти социалистик мамлакатларнинг денгиз ташкилотлари билан мустаҳкам алоқада ишлаб турибди. Биз шу ташкилотларнинг тантанамизда ҳозир бўлган раҳбарларини, қардошларимиз ва дўстларимизни хурсандчилик билан табриклаймиз.

Ҳозир, деди министр, совет денгиз транспортининг икки кунлик юк обороти бутун 1924 йилдаги жами юк оборотидан кўплик қилади! Ҳозир Советлар мамлакати Денгиз Флотининг ҳажми, порт хўжалигининг ва кема ремонт саноатининг ривожи жиҳатидан дунёдаги етакчи денгиз давлатлари қаторида турибди.

Денгиз флотининг ходимлари ўзларининг эллик йиллик юбилейини беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йилида ўз олдиларида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш билан нишонламоқдалар.

Тантанали йиғилишда ВЦСПС секретари В. И. Прохоров, Москва дарё пароходчилиги Москва кемасозлик ва кема ремонт заводининг электр пайвандчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Г. М. Малясов, йўллар министри Б. П. Бешчев, Калининград трал флоти флагман кемасининг капитани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. И. Алексеев, Крилов номидаги марказий илмий тадқиқот институтининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Вознесенский сўзга чиқдилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети номига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

(ТАСС).

ПОЛЬША—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ АБАДИЙ ВА БУЗИЛМАСДИР

(Боши биринчи бетда).

Бундай учрашувлар воқеаларнинг боришини бирталикда баҳолаш, янги шароитларда муштарак мақсадлар учун, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун кураш олиб боришнинг энг самарали йўллари ва воситаларини топиш имконини беради. Биз бу фикрга қўшиламиз ва бундай учрашувлар учун вақт келди, деб ҳисоблаймиз.

Карлови Варида Европа Коммунистик ва ишчи партияларининг биринчи конференцияси бўлиб ўтгандан бери орадан етти йил вақт ўтди. Унинг тавсиялари муваффақиятли равишда амалга оширилди. Шу сабабли биз Европа коммунистик партияларининг янги учрашувини ўтказиш қитъадаги кескинликни янада ювштиш манфаатлари йўлида бирталикда қилинаётган ҳаракатларни кучайтиришга ёрдам берган бўлур эди, коммунистларнинг, меҳнаткашларнинг энг зарур ҳуқуқларини таъминлаш учун олиб бораётган курашининг муваффақиятига кўмаклашган бўлур эди, деб ўйлаймиз.

Курашимизнинг бутун тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, ишчиларнинг бирлиги планетамиздаги ҳамма халқлар муштоқ бўлган тинчликни мустаҳкамлашдек мўътабар мақсадга эришмоқ учун ҳаётий зарурдир.

Дунё пролетариати, барча тараққийпарвар кучлари мадад бериб турган социалистик давлатларнинг бирталикдаги ҳаракатлари туфайли кўп жиҳатдан кейинги йилларда халқаро иқлимни анча яхшилашга эришишга муваффақ бўлинди.

Социалистик ҳамдўстлик халқаро воқеаларнинг боришига таъсир ўтказадиган ҳозиргидек қудратга илгари ҳеч қачон эга бўлмаган эди, дейиш учун бизда ҳамма асослар бор. Биз ўз олдимизга реал мақсадларни қўймоқдамиз ва шу мақсадларга эришишга қодир эканлигимизни тажриба кўрсатиб турибди.

Бизнинг ташқи сиёсатимиз синфий характерда бўлиб, у меҳнат аҳлларининг хоҳиширодасини ва орзу-умидларини ифодалайди. Биз мустаҳкам тинчликка, —ўзимиз учун тинчликка, ҳамма учун тинчликка интилаётганлигимизни халқлар биладилар ва тушунадилар. Шу боисдан ҳам биз келажакка умидворлик билан қараймиз, халқаро ишлардаги ўз йўлимизнинг муваффақиятига ишонамиз.

Аммо биз халқаро муҳитни соғломлаштириш душманлари ҳали ҳам борлигини яхши биламиз. Улар кескинликни ювштишга ва тинчтотув яшаш принципларини қарор топтиришга турли йўллар билан қаршилик қилишга уринмоқдалар. Жаҳон реакциясининг ҳеч қандай туҳмат-бўҳтондан жирканмай, давлатларимизнинг сиёсатига доғ туширишга уринаётган ихтиёрий гумашталари бор. Аммо душман кучларининг ҳеч қандай кирдикорлари бизни ер юзида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш соҳасида танлаб олган йўлимиздан тойдира олмайди.

«Тинчлик» сўзида нақадар кўп маъно борлиги биз, совет кишиларига ҳам, сиз поляларга ҳам яхши маълум. Халқларимиз тинчликда яшаш ҳуқуқи учун, ўзимизнинг янги уйимизни ташқиридан ҳеч кимнинг қаршилигисиз осойишта қуриш ҳуқуқи учун жуда қиммат ҳақ тўлаганмиз. Биз шу уйни бундан буён ҳам биргаликда ҳимоя қилаберамиз. Биз планета осмонини уруш булутларидан бундан буён ҳам қатъият билан қўриқлайверамиз. Бу хусусда ҳеч ким асло шубҳаланмаслиги керак! Биз шунга аминмизки, тинчлик ва тинч ҳамкорлик сиёсатининг келажаги порлоқдир.

Дўстлар, сизларга меҳнатда ва турмушда янги катта муваффақиятлар тилайман, ҳар бир поляк оиласига, социалистик Польшанинг барча ўғил ва қизларига бахт-саодат, равнақ тилайман!

Ана шу унутилмас кунларда Польшага келишга таклиф қилганликлари учун, мен ва менинг ўртоқларимни хушнудлик билан самимий кутиб олганлиги учун Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетига, шахсан ўртоқ Э. Герекка ташаккур билдирмоқчиман.

Яшасин поляк халқи ва унинг шонли ишчилар синфи—социализм байроқдори!

Яшасин социалистик Польша меҳнаткашларининг жанговар авангарди — Польша Бирлашган ишчи партияси!

Яшасин абадий ва бузилмас Совет — Польша дўстлиги!

Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи зўр эътибор билан тингланди, гулдурос ва давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини «мустаҳкамлаш, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ва самарали ҳамкорликни, дўстликни ва иттифоқни ривожлантириш соҳасидаги жуда катта хизматлари учун, Польша ерларини гитлерчи босқинчилардан озод этиш ишига шахсан ҳисса қўшганлиги учун минатдорчилик юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга Катовице Воеводлиги халқ кенгаши президиумининг қарорига мувофиқ Катовице Воеводлигининг фахрий граждани унвони берилганлиги тўғрисидаги хабарни митинг қатнашчилари гулдурос ва давомли қарсаклар билан табриклаб қутиб олдилар.

Силезиядаги барча шаҳарлар ва уездларнинг ҳамда Домбровский кўмир ҳавзасининг гербли печатлари билан мустаҳкамланган бу ҳужжат ҳозир бўлганларнинг қарсаклари остида ўртоқ Л. И. Брежневга топширилади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев учрашув тўғрисидаги хотира учун ва СССР билан ПХР қардош халқларини бирлаштириб турган бузилмас дўстлик рамзи сифатида Катовице Воеводлиги меҳнаткашларига таниқли совет рассоми Петр Мальцевнинг «Ленин ҳузурига» деган картинасини тухфа этиб топширди.

Польша — Совет дўстлиги, икки қардош халқ бирлиги ва жипслиги шарафига ўтказилган бу улуғвор намойиш «Интернационал»ни куйлаш билан тугади.

(ТАСС).

* *

СИЛЕЗИЯ ДИЁРИДА САМИМИЙ КУТИБ ОЛИШЛАР

Бу ерга келган КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневни, ПВПП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Герекни, ПХР Министрлар Советининг Раиси П. Ярошевични ва Польшанинг бошқа раҳбарларини Силезия 20 июлда тантанали суратда кутиб олди. Силезия меҳнаткашлари билан мамлакатимиз меҳнаткашларини кўпдан буён давом этиб келаётган дўстлик, мустаҳкам ишчилар бирдамлиги боғлаб турибди. Бу дўстлик революцион жангларда, фашизмга қарши курашда тобланди, у социалистик мамлакатларнинг қардошлик ҳамкорлигида ёрқин мужассамини топди. Бугун, бутун Польша, унинг барча дўстлари Польша Халқ Республикаси 30 йиллигини нишонлаётган кунда бу дўстлик Силезия аҳолиси ўртоқ Л. И. Брежневни нақадар самимий ва ғиҳдидиллик билан кутиб олганлигида яна бир бор ўз ифодасини топди. Ўртоқ Л. И. Брежнев ана шу унутилмас кунларни поляк халқи билан бирга ўтказмоқ учун Польша диёрига келди.

Л. И. Брежнев, Э. Герек ўртоқлар кунниг биринчи ярмида Польша революцион ҳаракати арбобларига Сосновце шаҳрида ўрнатилган ёдгорлик ёнига қизил чиннигуллар қўйишди. Гулларни қўйиш чоғида Польша ишчилар ҳаракатининг хизмат кўрсатган арбоблари, саноат корхоналарининг делегациялари ёшлар ҳозир бўлдилар.

Сўнгра ўртоқ Л. И. Брежнев билан Польша раҳбарлари социалистик Польшадаги йирик янги қурилишлардан бири бўлмиш «Катовице» металлургия комбинатига томон йўл олдилар. Комбинат Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан қурилмоқда. Ишчилар, техниклар, инженерларнинг 14 минг кишилик отряди вакиллари меҳмонларни кутиб олишди. ПХР оғир саноат министрининг ўринбосари, металлургия саноати бирлашмасининг директори Ю. Влашак комбинат қурилишининг борши ва унинг истиқболи тўғрисида гапириб берди.

Польша ишчилар синфининг Советлар мамлакати меҳнаткашларига, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига бўлган чуқур ҳурмати рамзи сифатида, поляк ва совет ишчиларининг бузилмас дўстлиги рамзи сифатида ҳозир бўлганларнинг гулдурос қарсаклари остида ўртоқ Л. И. Брежневга металлургия комбинати ишчилар коллективининг 1-рақамли фахрий аъзоси гувоҳномаси топширилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўзига кўрсатилган иззат-ҳурмат учун ишчиларга қизғин ташаккур билдирди. У мамлакат халқ хўжалиги учун металлургиянинг ва шахтёрлар меҳнатининг катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди. Леонид Ильич «Катовице» металлургия комбинатини Совет — Польша дўстлигининг яна бир машъали, деб атади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари комбинат коллективига совет металлургиялари номидан И. Шадранинг «Байроқ кўтарган ишчи» бронза ҳайкалини топширди.

Силезиянинг автомашиналар кортежи ўтиб борган Чалядзь, Семяновице-Сленске, Битом, Свентохловице шаҳарларининг аҳолиси ҳурматли меҳмонларни самимий ва зўр хурсандчилик билан кутиб олди. Завод партия ташкилотларининг вакиллари, ишчиларнинг делегациялари ўртоқ Л. И. Брежневни ва Польша раҳбарларини табрикладилар. Бу — самимий, дўстона учрашувлар эди. Бу учрашувлар Польша — Совет дўстлигининг ёрқин намойишига айланди. Польша меҳнаткашлари КПССга бўлган ғоят зўр ҳурмат-эҳтиромларини тўғрисида, социализм иши учун, бутун дунёда тинчлик учун курашда Совет Иттифоқи билан бир сафда ҳамиша бирга боришга қатъий аҳду-паймон қилганликлари ҳақида гапирдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев поляк ишчиларига совет кончилари ва металлургларидан, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан, бутун совет халқидан самимий салом сўзларини топширди. У совет кишиларининг поляк халқига, Польша халқини Ленин йўлидан бошлаб бораётган Польша Бирлашган ишчи партиясига бўлган қардошлик ҳис-туйғулари ҳақида гапирди.

Леонид Ильич Брежнев «Едность» металлургия заводи ишчилари ҳузурида нутқ сўзлаб сафларида ўзи ҳам бўлган совет қўшинлари поляк жангчилари билан бирга Польшанинг жанубий районларини озод этиш учун жанг қилган пайтларни эслатиб ўтди. Ўша пайтда, деди ўртоқ Л. И. Брежнев, ўттиз йилдан кейин яна бу ерда меҳмонингиз, ҳур ва яшнаб турган Польшанинг катта байрами қатнашчиси сифатида яна бу ерга келишимни тасаввур қилишим қийин эди албатта.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Польша раҳбарлари билан бирга ПХРда кенг машҳур бўлган Хожувский маданият ва истироҳат боғига борди. Дам олаётган минглаб кишилар уларни самимий табриклашдилар. ПХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, кончилик ва энергетика саноати министри Я. Митренгининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневга Польша Халқ Республикасининг фахрий шахтёри номи берилганлиги тўғрисидаги хабарини ҳозир бўлган кишилар гулдурос қарсаклар билан қутиб олдилар. Бу унвон халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлигини мустаҳкамлаш ишидаги, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашдаги ҳамда Совет Иттифоқи халқлари билан социалистик Польша халқлари ўртасидаги ҳамкорликни ва дўстликни ҳар томонлама ривожлантиришдаги жуда катта хизматлари учун берилди.

Я. Митренги Леонид Ильич Брежневга фахрий дипломни топширди, шунингдек Силезия кончиларидан совет меҳнаткашлари билан дўстлик рамзи сифатида поляк шахтёрларининг анъанавий формасини ҳам топширди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев отабобоси ишчи бўлган ўзига ва яқин ўтмишда ўзи ҳам ишчи бўлган кишига фахрий шахтёр унвонини олиш, айниқса ёқимли эканлигини таъкидлаб ўтди. У ўзига шахсан, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, совет халқига юксак эзгу ҳис-туйғуларни изҳор этганликлари учун поляк дўстларга самимий ташаккур билдириб, бундай деди:

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Польша Бирлашган ишчи партияси ўртасида ана шундай яқин ва қардошлик муносабатлари мавжудлиги катта бахтдир. Бу эса мамлакатларимиз ва бутун социалистик ҳамдўстлик жипслигини мустаҳкамлайди, мамлакатларимизнинг иқтисодий потенциалини кўтаришда, халқларимиз ҳаётини яхшилашда бизга ёрдам беради. (ТАСС).

ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ

ВАРШАВА, 19 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). Польша пойтахтининг Ғалаба майдони Польша Халқ Республикасининг ҳар бир гражданига беиҳоя азиздир. Номаълум солдат қабри — Польша озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо қилган кишиларнинг ҳайкали шу ерга қўйилган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ҳалок бўлган ватанпарварлар хотирасини ҳурматлаб эсга олиш учун бугун Ғалаба майдонига келди. У номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди, гулчамбарнинг қизил лентасига: «Польша озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларга, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневдан» деган сўзлар ёзилган.

Ҳайкал ёнида фахрий қоровул саф тортди ҳамда Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикасининг гимнлари чалинди.

Шу куниёқ ўртоқ Л. И. Брежнев Польшани фашист босқинчилардан озод қилиш учун курашда ўз жонларини қурбон қилган Совет Армияси жангчиларининг мавзолей-қабристонини зиёрат қилди.

Совет Иттифоқи гимни, Польша Халқ Республикасининг гимни ва «Интернационал» ижро этилади. Ўртоқ Л. И. Брежнев Варшавани халос қилган совет солдат ва офицерларига ўрнатилган обида-ҳайкал супачасига гулчамбар қўяди.

Гулчамбарлар қўйиш маросимида Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси миллий мудофаа министри В. Ярузельский, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, ПБИП Варшава шаҳар комитетининг биринчи секретари Ю. Кемпа, Варшава президенти Е. Маевский, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

БУГУН—МЕТАЛЛУРГЛАР КУНИ

МЕТАЛЛУРГЛАР БАЙРАМИ

Металлургларнинг кунига бағишланиб, 19 июль куни Москвада Давлат марказий концерт залида ўтказилган тантанали йиғилишда илғор ишчилар, меҳнат ветеранлари, тармоқ корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари, олимлар, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари тўпландилар.

Президиумда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. Э. Димшиц, Н. А. Тихонов, СССР министрлари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари ўтиришибди.

СССР қора металлургия министри И. П. Казанец шуни маълум қилдики, бу йил пўлат ишлаб чиқариш 136 миллион тоннага етади. Олти ой мобайнида топшириққа қўшимча равишда 300 минг тоннадан кўпроқ чўян, 300 минг тонна пўлат, 60 минг тоннадан ортиқ қувур ишлаб чиқарилди, икки миллион тоннага яқин руда қазиб олинди.

Шундан кейин сўзга чиққан СССР рангли металлургия министри П. Ф. Ломако қуйидагиларни таъкидлади: беш йилликкинг уч йили мобайнида тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми 20 процентдан зиёд ортди. Уеннинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Бу эса тармоқ корхоналарига пландан ташқари анчагина миқдорда рангли металлар, шунингдек 120 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш имконини берди.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига табрикнома қабул қилдилар.

(ТАСС мухбири).

МИНИСТРЛАРНИНГ УЧРАШУВИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 19 июль куни Яман Халқ Демократик Республикаси Миллий фронти марказий комитети сиёсий бюросининг аъзоси, республика ташқи ишлар министри Муҳаммад Солиқ Мутиянни қабул қилди.

Дўстлик, ўртоқлик вазиятида ўтган суҳбатда министрлар икки томонлама муносабатларнинг баъзи бир масалаларини, иккала томонни қизиқтирувчи бир қанча актуал проблемаларни муҳокама қилдилар. Яқин Шарқдаги аҳволга, жумладан, араб ярим ороли жанубидаги аҳволга алоҳида эътибор берилди.

(ТАСС).

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ КОМИТЕТИДА

18 июлда Совет хотин-қизлари комитети президиумининг мажлиси бўлди. Комитет В. В. Николаева-Терешкова докладида хотин-қизларнинг келгуси йилда бўладиган жаҳон конгрессига тайёргарлик кўришда иштирок этиш учун хотин-қизлар жамоатчилигини жалб этиш тўғрисида гапирилди. Маълумки, 1975 йил халқаро хотин-қизлар йили деб эълон қилинган. Социалистик мамлакатлардаги хотин-қизлардан иборат ташкилотлари вакилларининг «Ижтимоий ишлаб чиқариш меҳнатида хотин-қизларнинг иштироки» мавзусидаги семинари энг муҳим тадбирлардан бири бўлиб қолади.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

Миср Араб Республикаси араб социалистик иттифоқи активлари делегацияси Ўзбекистонда тўрт кун меҳмон бўлиб турди. Араб социалистик иттифоқи Марказий Комитетининг аъзоси, Миср Араб Республикаси халқ мажлисининг аъзоси, кооператив иттифоқининг ўринбосари Ата Салим делегацияга бошчилик қилмоқда.

Делегация аъзолари Мирзачўлга бориши. Улар қўриқ ерларни ўзлаштириш тажрибаси билан танишдилар, «Малик» ва Г. Титов номли совхозларда бўлдилар. Меҳмонлар Самарқандда бўлдилар, Тошкент областида У. Юсупов номли аграр саноат бирлашмаси, академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг ишини ўргандилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Й. Р. Курбонов 20 июлда делегацияни қабул қилди. У дўстона суҳбат вақтида КПСС XXIV съезди қарорлари Ўзбекистонда қандай амалга оширяётганлиги тўғрисида, Республика меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муваффақиятлар билан кутиб олаётганликлари ҳақида миср меҳмонларга сўзлаб берди. Делегация аъзолари суҳбат вақтида қишлоқ хўжалигига партиявий раҳбарлик, Ўзбекистоннинг ирригация ва мелиорациясини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик ишларини комплекс механизациялаштириш соҳасида эришган муваффақиятларига катта эътибор бердилар. (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«СОВЕТСКИЙ СПОРТ» ГАЗЕТАСИНИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жисмоний тарбияни пропаганда қилиш соҳасидаги самарали иши ва физкультура ҳаракатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун **«Советский спорт» газетаси Меҳнат Қизил Байроқ ордени** билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1974 йил 19 июль.

КАСАБА СОЮЗЛАРНИНГ МЕҲМОНЛАРИ

Миср Араб республикасининг касаба союз делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Делегацияга Миср меҳнат федерациясининг секретари Абдил Фатҳ Бадр бошчилик қилмоқда. Меҳмонлар Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети раҳбарлари билан учрашадилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирадилар. (ЎзТАГ).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА ПОЛЬША МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ВАРШАВА, 19 июль. (ТАСС). Польша қайта тикланганлигининг 30 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун бу ерга келган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневни поляк халқи самимий кутиб олмоқда. Польша Халқ Республикасининг марказий газеталари бу воқеага бағишлаб бош мақолалар ва редакцион мақолалар босиб чиқармоқдалар.

«Трибуна люду» газетаси бундай деб ёзади: Биз шундай мамлакатнинг раҳбарини кутиб олаётирмизки, халқ Польшасининг бунёдга келиши учун бу мамлакат тарихий роль ўйнади.

Қадрдон партиянинг ва улуғ совет халқининг раҳбари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Польшага визити қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаш, Польша билан СССР ўртасида тобора кучайиб бораётган ҳамкорлик йўлидаги янги муҳим қадамдир. Визит халқ Польшаси 30 йиллиги байраминнинг муҳим воқеаси, интернационал ғоявий алоқаларнинг, биз босиб ўтган йўлда содир бўлган ўзгаришларнинг, биз фахрланаётган ўзгаришларнинг рамзидир.

«Трибуна люду» газетаси иттифоқ ва дўстлик Польша билан СССРнинг ғоят чуқур синфий, миллий ва давлатий манфаатларини ифодалар турганлигини таъкидлаб, қуйидагиларни ёзади: шу боисдан ҳам биз ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳозирги визитини айниқса зўр самимият билан табриклаймиз. Бу визит биз учун келажакнинг гарови ҳамдир. Биз унинг истиқболларини социалистик ҳамдўстлигимиз бош қучи, тинчлик ишининг етакчи кучи бўлган Советлар мамлакати билан, қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ деб биламиз.

«Жиче Варшави» газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: қадимий яхши оилавий одатга кўра, энг муҳим тантаналарга энг яхши дўстлар таклиф этилади. Поляк халқи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари сиймосида қардош Совет Иттифоқининг атоқли раҳбарини, халқаро коммунистик ҳаракатнинг етакчи арбобини, таниқли давлат арбобини кутиб олмоқда.

Байрам ойёмимизда Леонид Ильич Брежневнинг поляклар орасида ҳозир бўлиши бизнинг диёримизда Советлар мамлакатига нисбатан жўш уриб турган ҳис-туйғуларни яна бир марта изҳор, совет халқининг атоқли фарзанди ПХР меҳнаткашлари ўртасида қозонган иззат-ҳурмат, эътироф ва ҳайрихоҳликни намойиш этиш имкониятларини яратиб беради.

Поляк халқи ўртоқ Л. И. Брежневнинг мамлакатларимиз ўртасидаги бирлик, дўстлик ва иттифоқни мустаҳкамлаш учун изчил курашчи эканлигини биладилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг мустаҳкам, одилона тинчлик йўлидаги актив фаолиятида бутун поляк халқи унинг содиқ иттифоқчисидир. Совет халқаро сиёсатининг ҳар бир муваффақиятини Польша меҳнаткашлари мамнуният билан кутиб олмоқдалар деб таъкидламоқдалар мақолада.

Леонид Ильич Брежневнинг Польша раҳбарлари билан мунтазам учрашувлари бизнинг ғоявий-сиёсий бирлигимиз учун ҳамда ҳамкорлигимиз учун янги йўллар ва янги уфқлар очиб келди ва очиб келмоқда, деб уқтиради «Глос Праци» газетаси. Совет Иттифоқи кескинликни юмшатиш учун, бутун дунёда мустаҳкам тинчлик ва социал тараққиёт учун жаҳон миқёсида олиб бораётган курашда етакчи ўрин олиб турибди. КПСС XXIV съездида тақдим этилган ҳамда Л. И. Брежневнинг тинчликсевар кучларнинг Москвадаги жаҳон конгрессида сўзлаган нутқида батафсил баён этиб берилган Тинчлик программаси бутун дунёда халқаро ҳамкорлик ва хавфсизликни чуқурлаштиришга қаратилган самарали ҳаракатларнинг янги даврини очди. Бизнинг халқ давлатимиз ҳам шу йўлдан бормоқда, бинобарин, барча социалистик мамлакатлар билан биргаликда ўтказилаётган бу фаолият бутун ер куррасида ҳурмат ва обрў қозонди.

Биз КПССнинг раҳбари ва халқаро ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Леонид Ильич Брежневни Польшада табриклаб, ўзимизнинг совет халқига — Ленин партияси — КПССга, синалган дўстларимиз ва иттифоқчиларимизга бўлган самимий ҳис-туйғуларимизни изҳор этамиз.

«Жолнеж Вольности» газетаси қуйидагиларни эслатиб ўтади: Леонид Ильич Брежнев бундан 30 йил муқаддам Польша билан биринчи бор учрашди. У 4-Украина фронти сафларида жанг қилар экан, Жанубий Польшанинг шаҳар ва қишлоқларини гитлерчилар оккупациясидан ҳалос этишда қатнашди.

Бугун биз унинг сиймосида халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби ва етакчи давлат арбобини табрикламоқдамиз, деб уқтиради газета. Жаҳон миқёсидаги кучларнинг нисбатига, тараққиёт, социализм ва тинчлик кучларини мустаҳкамлашга шу қадар самарали таъсир ўтказаётган совет экономикаси, техникаси ва илм-фанининг кейинги йиллардаги ривожи унинг номи билан чамбарчас боғланган. Совет социалистик давлати тевирагида жипслашган Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари баҳамжиҳат ҳаракатининг янги босқичи, уларнинг социалистик интеграция йўлида биргаликда эришаётган муваффақиятлари ва қатъий тараққиёти, Варшава Шартномаси мудофаа кудратининг янада ривожланиши ҳам Леонид Ильич Брежневнинг номи билан боғланган. Совет Армияси Варшава Шартномасининг ўзаги бўлиб турибди. Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг шахсан Л. И. Брежнев раҳбарлигида амалга оширилаётган жўшқин ва ташаббускор Тинчлик программаси кескинликни юмшатиш ва халқлар ўртасида тинч ҳамкорлик соҳасида эндиликда сезилиб турган силжишга ҳам ҳал қилувчи даражада кўмаклашади.

СОВЕТ ЖАМОАТЧИЛИГИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

Совет — Польша дўстлиги жамияти марказий правлениесининг раиси, СССР парламент группасининг раиси А. П. Шитиков бошчилигидаги совет жамоатчилиги делегацияси бугун Варшавага жўнаб кетди. Делегация Польша Халқ Республикасининг 30 йиллиги байрамида иштирок этади.

Кузатиб қолувчилар орасида Польша Халқ Республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили В. Наперай бор эди.

(ТАСС).

ШОНЛИ ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ ЁШ АВЛОДИ

Тошкентликлар 19 июлда республика пойтахти ишчилар синфи қаторига қўшилган ёшларни қизғин ва самимий табриклардилар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 50 йиллиги арафасида шаҳардаги 28 қунар-техника билим юртини етти мингдан ортиқ токарь, слесарь, бинокор ва бошқа касб эгалари битириб чиқди. Йигит ва қизлардан олти юз киши касб билан бир қаторда ўрта маълумот ҳам олди.

Бўлажак меҳнат гвардиячилари оркестр садоси остида Тошкент кўчаларидан ўтишди. Санъат саройи улар учун ўз дарвозаларини кенг очиб қўйди. Санъат саройида қунар-техника билим юртларини тамомлаб чиққан ёшларнинг биринчи шаҳар слёти ўтказилди.

Шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қунар-техника таълими Давлат комитети раисининг ўринбосари Ҳ. А. Иброҳимов сўзга чиқишиб, ишчилар синфининг ёш авлодига яхши маслаҳатлар беришди. Тошкентдаги Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводининг кекса ишчиларидан бири, слесарлар бригадири Н. М. Железнов ёшларни табриклади. Ана шу завод коллективи ўзбеклар диёрида Советлар байроғини биринчи бўлиб баланд кўтарган эди. Шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Б. С. Камолов ёшларнинг меҳнатда катта муваффақиятларга эришувларини тилади.

Қунар-техника билим юртларини тамомлаб чиққан ёшлар тантанали ваъда сўзларини такрорлайдилар. Улар совет ишчиси деган юксак номни эъзозлаб, улуғ Ленин васиятларига доим содиқ бўлиб қоламиз, деб қасамёд қиладилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика партия органларида узоқ йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан Узбекистон Компартияси Марказий Комитети енгил ва озиқ-овқат саноати бўлими мудирининг ўринбосари Борис Савельевич **Глинский**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Узбекистон ССР маҳаллий саноат корхоналарида узоқ йил самарали ишлагаклиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Тошкент хўжалик буюмлари заводининг директори Сергей Константинович **Шегайни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотлади.

Польша қайта тикланганлигининг 30 йиллигига

ПОЛЬША ҚАҲРАМОНИ

Польша Халқ Республикасининг 30 йиллиги тантаналарини нишонлаш арафасида халқ байрамига қатнашиш учун кўплаб совет кишилари Варшавага таклиф этилди. Мен шулардан икки кишини танийман. Улар жасур партизанлар: ўзганлик Қаҳҳор Шарипов ва Тошкент область Юқори Чирчиқ районидаги Заркент қишлоғида яшовчи Миртожи Эрмоновлардир.

Берлинга ғолиблик байроғини тиккан, Европага озодлик нурини таратган совет жангчилари ўз номларини қаҳрамонлик, шон-шуҳрат, зафар билан боқий этдилар. Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек йигитларидан кўплари Европани фашизмдан озод этишда бошқа мамлакатлар фарзандлари билан ёнма-ён туриб жанг қилдилар. Уларни чет мамлакатлар халқи ҳам, совет халқи ҳам ўз фарзанди ҳисоблайди. Ана шундай икки халқ фарзандларидан Шариф Саматов ва Аҳмаджон Мамажонов итальян партизанлари сафида, Абдулла Нарзуллаев, Розиқ Ҳамроевлар Чехословакияда, Сайлихон Файзиев ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони Зиямат Ҳусанов Болгарияда, Сайфулла Нуруллаев Польшада партизанлик қилганлар.

Бугун шулардан бири — Польша Халқ Республикаси Қаҳрамони Қаҳҳор Шарипов ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Фашистлар Германияси Совет Иттифоқига ҳужум қилган тунда кичик командир Шарипов Ғарбий Украинадаги чегара қисмларида хизмат қиларди. Немис самолётлари ташлаган биринчи бомбалар портлаганда Қаҳҳор Шарипов взводи мудофаа марраларини эгаллади. Биринчи жанг немис танкларининг ҳужумини қайтариш билан якунланди. Кучларнинг нотенглиги шароитида Менаравия қишлоғини мудофаа қилиш беш кеча-кундуз давом этди. Кейин нима бўлганлигини Шарипов эслай олмайди.

Шарипов ҳушига келиб кўзини очганида уни ҳайрон қолдирган нарса — жимжитлик ва ўзига қаратилган автомат стволи бўлди.

Енгларини шимариб олган гитлерчи:

— Штейн ауф! Хенде хох! — деди уни этиги билан туртиб.

Автоматларини бўйнига осиб олган немислар тутаб ётган иморатлар, ғишт уюмлари, ҳовли ва уйлардан ярадор ёки душман олдида иложсиз қолган қизил аскарларни ҳайдаб чиқар, юра олмайдиганларни жойида отиб ташлар эдилар.

Асирларни қишлоқдаги черков ҳовлисига тўплашди. Оёғидан яраланган Шарипов ҳам оқсаб оқсоқ асирлар тўдасига қўшилди.

Уларни темир йўл станциясига ҳайдаб келишди. Асирлар ортилган состав ғарбга қараб кетарди, поезд ғилдираклари бир оҳангда тарақлаб «қочиш керак, қочиш керак!» дегандай овоз чиқарар, Қаҳҳор фақат шу нарсани ўйларди.

Поезд Варшава яқинида тўхтади. Асирларни Родом концлагерига қамаб қўйишди.

Лагерда одамларни совуқ шамол, қиров ва шабнамдан ҳимоя қиладиган ҳеч нарса йўқ эди. Асирлар кун бўйи ишлаб келишар, кечаси эса бир-бирининг пинжига суқилиб, тўп-тўп бўлиб очиқ ҳавода ётишарди. Очликдан кўплар шишиб кетган, ҳар тонг 30—40 киши ётган жойида қолиб кетарди.

Қаҳҳор Шарипов ўз атрофига беш кишилик группа тўплади, лагердан қочиш учун лаҳм қазишни уюштирди. Лаҳм фақат тунда ковланарди, кундузи ишга чиқиш керак эди.

Кузнинг охирларида оч, юпун, мадорсиз, аммо жасур беш йигитни ўрмон ўз бағрига олди. Уларни прожектор нури, пулемёт ўқлари, овчаркаларнинг исқабтопарлиги таъқиб этди, лекин озодликка бўлган ташналик ва душманга нафрат зўрроқ чиқди. Улардан икки кишигина омон-эсон поляк партизанлари сафига қўшилдилар.

Қаҳҳор Шарипов учун янги ҳаёт бошланди. Темир йўлларда қўпорувчилик ишларини уюштириш, отрядни озиқ-овқат билан таъминлаш, ярадорларни даволаш ва шунга ўхшаш ишларга Қаҳҳор Шарипов қуникиб кетди.

Партизанлик ҳаётининг ҳар бир куни онадан қайта туғилиши билан баробар, дейишади. Польша ишчилар партияси аъзолигига қабул қилинган Қаҳҳор Шарипов Варшавага яқин Легиново, Яблони, Непорента каби районларда ҳаракат қилган Армия Людова—Халқ Армиясининг партизанлар отрядида ном чиқарган группа командирларидан эди.

...Партизанлар кетма-кет муваффақиятсизликка учради. Варшава қўзғолони арафасида шаҳарга қурол келтираётган группалар қўлга тушди. Айниқса шаҳарга бориб-қайтиш қалтис иш бўлиб қолди. Армия Людова 3-округ командири политрук Р. Кругульский партизанлар орасида сотқин борлиги ҳақида хабар олди, лекин уни топиш мушкул иш эди. Қаҳҳор сотқинни топишни ўзига топшириш-ларини сўради. Эрта тонгда Шарипов ҳассага суяниб шаҳарга кетаётган одамлар тўдасига қўшилиб олди. Шаҳар зонаси бошланадиган жойда махсус шлагбаумлар билан тўсилган контроль пост бор эди.

Қаҳҳор постга яқинлашганда:

— Тўхта, партизан! — дея қичқирди кимдир.

Қаҳҳор ўз рўпарасида власовчилар формаси кийган одамни таниди: у «асирликдан қочиб келдим» деб уч ой олдин партизанларга қўшилган эди.

Шарипов фурсатни ўтказмай, чўнтагидан тўппонча чиқариб, сотқинни отиб ташлади. Шу заҳоти унга немис солдатларидан 4—5 таси ёпирилиб, қўлларини орқасига қайирди. Сўроқлар бошланди. Калтак зарбидан Қаҳҳорнинг аъзойи бадани мўматалоқ бўлиб кетди, тишлари синди, лекин немисларнинг «қаерда», «қанча!», «ким?» саволларига бир оғиз ҳам жавоб айтмади. Уни ўлимга ҳукм қилишди. Шарипов жонажон юртини, қишлоғини, дўстларини бир-бир ёдидан ўтказди. Қочиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бетон деворлар, оғир эшиклардан қочиб чиқиш мушкул нарса эди. Ярим тунда камерадан узоқда портлаш товуши эшитилди, сўнгра сиреналар ва бомбалар сурони ҳамма ёқни тутиб кетди. Камера яқинида портлаган бомба зарбидан уйнинг деворлари ўпирилиб тушди... Орадан икки ҳафта ўтгач, Шарипов отрядга қайтиб келди.

Шарипов охирги жасоратини Нарев дарёсига қурилган кўприкни портлатишда кўрсатди. 1945 йил 12 январда Совет қўшинлари Польшани батамом озод этиш жангларини бошлаб юборишди. Совет қўшинлари билан ёнма-ён Войска Польска 2-Армияси 16-Дново-Лужицк танк бригадаси Варшава йўналишида ҳаракат қилди. Совет қўмондонлиги немисларни Варшавага чекиниш йўлини кесиб қўйиш учун поляк партизанларига мурожаат қилиб Нарев кўпригини портлатишни илтимос қилди.

Бу топшириқ Қаҳҳор Шарипов бошчилик қилган отряд томонидан муваффақият билан адо этилди.

Польша озод этилгандан сўнг Шарипов Легионово шаҳрида хавфсизлик милицияси сафида ва Легионово—Рембертув шаҳарларида совет ҳарбий коменданти ўринбосари бўлиб ишлади. 1945 йил кузида ўз юртига қайтди.

Польша Халқ Республикаси Давлат Кенгаши қарори билан Қаҳҳор Шарипов Польша озодлиги учун олиб борилган жангларда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун республика олий мукофоти — Партизанлик Олтин Крести ордени билан мукофотланди.

Лекин мукофот ўз эгасини узоқ қидирди. Ниҳоят 1968 йил ёзида Польша Халқ Республикасининг Москвадаги ҳарбий атташеси генерал Эвгениуш Кушко Ўш областининг Ўзган шаҳрига телеграмма йўллаб, Қаҳҳор Шариповга мукофотни тақдим этиш учун Москвага, сўнгра Варшавага таклиф этди.

...Польша Халқ Республикасининг 30 йиллиги байрамида Варшавада Қаҳҳор Шарипов билан бирга унинг дўстлари 16-Дново-Лужицк танк бригадасининг собиқ сиёсий бўлим бошлиғи, гвардиячи полковник А. А. Шатохин, Варшава қўзғолони қаҳрамони А. А. Матосян, собиқ Рембертув шаҳар совет ҳарбий коменданти майор Шевченко ва бошқа қаҳрамонлар, шунингдек Польша озодлиги йўлида ҳалок бўлган жуда кўплаб совет генераллари, офицерлари, жангчиларининг руҳи ҳам қатнашмоқда.

С. ХОЛНАЗАРОВ.

Суратда: қуролдош дўстлар Миртожи Эрмонов, Данил Синовец ва Қаҳҳор Шарипов (ўнгда) жангу жадал йилларини хотирлашяпти.

ПРЕЗИДЕНТ МАКАРИОС НЬЮ-ЙОРККА КЕЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 июль. (ТАСС). Нью-Йоркка келган Кипр президенти архиепископ Макариос Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашида нутқ сўзлаш ва Кипрда тўнтаришдан кейин рўй берган аҳвол тўғрисида Хавфсизлик Кенгашига ахборот бериш ниятида эканлигини айтди. Макариос бундай деди: «Бу тўнтариш Греция ҳарбий режимининг кўрсатмаси билан Кипр миллий гвардиясини назорат қилиб турган грек офицерлари томонидан амалга оширилди».

Макариос қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти «Кипр мустақиллигининг Греция хунтаси томонидан сурбетларча бузилганлигини қоралаши ва грек офицерларини олиб чиқиб кетишни Греция ҳарбий режимидан талаб қилиши лозим». «Кипрда конституцион тартибни тиклаш» чораларини кўриш зарур, деди президент.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 19 июль. (ТАСС). Кипр президенти Макариос кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг штаб квартирасида бўлди. Уни Вальдхайм қабул қилди. Бир соатча давом этган суҳбат вақтида Кипрдаги ҳозирги аҳвол муҳокама қилинди. Президент Макариос оролда ўтказилган исённинг баъзи тафсилотларини БМТ Бош секретарига сўзлаб берди. Хавфсизлик Кенгашининг мажлисини чақириш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

КИПРДАГИ ВАЗИЯТ

НИКОЗИЯ, 20 июль. (ТАСС). ТАСС мухбири А. Керженцев хабар беради: бугун эрталаб Кипрнинг шимолий соҳилига турк қўшинлари туширилди. Туркиянинг самолётлари Кипр пойтахти осмонида учиб юрибди. Никозиянинг атрофига ва шаҳарнинг турклар яшайдиган қисмига Туркиянинг йирик ҳаво десанти туширилмоқда. Мен мухбирлар пунктининг деразасидан бу операция қандай ўтказилаётганлигини кўриб турибман. Тўплар ва автоматлардан қаттиқ ўт очилаётганлиги эшитилиб турибди. Туркия самолётлари айрим объектларни бомбардимон қилмоқдалар.

Кипрдаги турк жамоасининг радиоси оролга турк қўшинлари келганлиги тўғрисидаги хабарни эшиттириб, грек гражданларини оролда содир бўлаётган воқеаларга аралашмасликка даъват этди.

Никозиянинг грек исёнчилари қўлида бўлган радиоси қуролярогларни бўлган барча кипрликларни дарҳол йиғилиш пунктларига келишга даъват этди.

ТУРКИЯ МАТБУОТИНИНГ КИПР ҲАҚИДА ЁЗГАНЛАРИ

АНҚАРА, 20 июль. (ТАСС). Грек ҳарбийларининг Кипрдаги исёни муносабати билан Совет Иттифоқининг тутган позициясига бу ерда жуда катта эътибор берилмоқда.

Туркия газеталари Совет ҳукуматининг баёнотини «Москва Афинанинг Кипр ички ишларига аралашишини тўхтатишни талаб қилмоқда», деган сарлавҳа остида босиб чиқарди.

Шаҳарларда Совет баёноти Кипрдаги тўнтаришни ўтказган ва қўллаб-қувватлаган кучларни қораловчи аниқ ва равшан баёнот деб таъкидланмоқда.

АҚШ ҳукумати Греция ва Туркияга мурожаат қилиб, «тийилиб туришга даъват этган эди. Таниқли сиёсий обзорчилар бу даъват Греция хунтасини қўллаб-қувватлашга қаратилган, деган фикрни изҳор қилмоқдалар. Шу билан бирга Туркиянинг НАТОдаги тарафдорлари Туркия манфаатларига зарар етказмоқдалар, деб уқтириб ўтилмоқда.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» КОНКУРСИГА

СЕРТАШВИШ ТУН

ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ

Эгамов ташқарига чиққанида ёмғир томчилаётган эди. Уйига етиб борганча қуйиб юборди. Рафиқаси совиб қолган овқатини ситиб келди. Чой қуйиб берди. Аммо, ичганичига тушмади. Келиб-келиб шу бугун мажлис қилганида ёмғир ёққанини қара! Ферма мудирлари-ю, бош чўпонлар бари йиғилиб келишган эди. Қўралар одамсиз эмас, бор. Хотин-халаж, чўпон-чўлиқ. Аммо, у ўзини ҳар қанча тинчлантирмоқчи бўлгани билан ўраги ҳаприқиб кетаверди. Негаки, қўйларни куни кеча қиркимдан чиқаришган...

Эгамов кўрпачада ўтирган ўрнида чўзилиб телефонни олдига тортди. Гаражга қўнғироқ қилиб, машина чақирди. Кейин коммутатор орқали бош зоотехник билан уланди.

— Илтимос... ҳа, айтмасимдан тушунибсиз. Сиз қайси фермага? Яхши. Партком бува-чи? Дуруст. Мен Шўркўл томондаги қўраларга кетдим, — деди-да, Эгамов трубкани қўйди.

У этигини кийиб, эгнига ёмғирпўшини ёпинди. Ҳовлига чиқса ҳаво сентябрь ҳавосига асло ўхшамайди— турқи ёмон. Ичидан фуфайка кийганига қарамай баданни жунжиктиради. Кетига қайтди. Коракўл қулоқчинини ҳам кийиб чиқди. Панжаралик кўча эшикка етганида у ёққан «ГАЗ-69» ҳам келиб тўхтади.

Жўнаб кетишди. Ана, энг охирги том совхоз шаҳарчаси орқада қолди. Тош йўлдан чиқиб, чўлга бурилишди. Машина ғилдираклари ўйиб ташлаган йўл юзаси лим-лим сув.

Ён томонда йилтиллаб чироқ кўринди. Эгамов тўхта дегандай шофёрнинг елкасига туртди-да, эшикни очди. Шар-шар жала қуярди. У ёмғирпўшига ўраниб, бошини чиқарди. Овози борича қичқирди:

— Ум-ме-ет!! Мол-жон омонма-а!

— О-мо-он! — деган жавоб эшитилди зимистон тун қўйнидан.

— Ҳайрият, етиб келибди, — дея пичирлади Эгамов бир оз кўнгли ўрнига тушгандай бўлиб.

У йўл-йўлакай чурк этмай келаётган шофёрни аста туртди. Бу «Тезроқ ҳайда» дегани эди. Машина сув тўла қўшалоқ ариққа ўхшаган йўлдан яна сузиб кетди. Олдиндаги қўш фара узоқ-узоқларга ялт-ялт мўралайди. Йирик-йирик ёмғир доналари ҳаҳ билан шўъланн қамчилайди. Бўтана бўлиб оқаётган сув бетида сон-саноқсиз пуфакчалар. Уларнинг умри кўз очиб юмганчалик: пақ этиб ёрилади-ю, яна янгиси пайдо бўлади...

Теваракда қўй кўринмайдими, дегандай Эгамов коронғиликка тикилади. Коп-қора зулмат. Фақат ёмғирнинг шатирлаши-ю, моторнинг гуриллашигина эшитилади. Олдиндаги дераза артғич эса ғийт-ғийт этиб гўё ўтган дамларни санайди.

Сув тўла «қўш ариқ»нинг бирдан туби кўриниб қолди. «Қиялик» деган фикр келди Эгамовнинг миясига. Демак шу атрофда... У теваракка аланг-жаланг боқди. Унинг тахминини тасдиқлагандай моторнинг гуриллашига қўшилиб қўй-қўзиларнинг безовта маъраши эшитилгандай бўлди. Шу зоҳати фара ёруғида эшакдай қора қўппакнинг шижоатли кўзлари ялтираб кетди.

Шофёр машинани чапга бурди. Рўпарада бир жуфт ўтов ва деразаларида чироқ милтираган оқ том кўринди. Берироқда эса бир эркак киши бола-чақаси билан ҳай-ҳайлаб қўйларни қўтонга қамарди: бу қўранинг эгаси ҳам мажлисда эди, етиб келибок ишга киришибди.

Эгамов машинадан тушибоқ уларга кўмаклаша кетди.

— Тинчмисизлар?

— Шукур, — қоронғида эркак кишининг дўриллаган овози эшитилди.

Эгамов яқин келган бир совлиққа қўл урди. Ҳаммаёги ҳўл. Дир-дир қалтирарди.

— Ҳо-ов, Мирзабой!

— Лаббай, директор бова?

— Буларнг совуқ қотиб қолибди, фуфайка кийдир...

Қоронғида кулги овози эшитилди.

— ... Дарров ем беринглар.

— Ҳўп бўлади, директор бова!

Машина яна жилди. Ғизиллаганча пастга тушиб, кўлмакни кесиб ўтди. Кумтепага ўкириб ўрмалаганча чиқди-ю, ер бағирлаган яполоқ жиғил буталарини оралаб кетди.

Эгамов шофёр йигитга ҳавас билан боқди: ёш, пойгага совитилган дўнандай қотма. Бундан ўн етти йил муқаддам Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини битириб келиб шу совхозда зоотехник бўлиб иш бошлаганида ўзи ҳам хипча йигитча эди. Илк бор елкасига бахт қуши қўниб, олима Варвара Ивановна билан ҳамкорликда кўк қоракўл бўйича завод типи яратганларида уни илмий ходимликка таклиф ҳам қилишган. У катта шаҳарнинг шинам ҳаётидан Қизилқум ўтовларини афзал кўрди. Чунки ўзи шу тоғ этагидаги қишлоқ боласи. Чўпонларнинг ишончини қозониб, уларнинг ўз одами бўлиб қолган эди. Мана, улар билан бирга. Кувончлари ҳам, ғам-ғуссалари ҳам ўртада. Манави шофёр йигит ўз ниниси-дай гап, кўз олдида катта бўлди, армия хизматидан қайтгач ўзи тўйбоши бўлиб уйлантириб қўйди...

Машина пастликда тўхтади. Қаршидаги ёлғиз уйда чироқ йилтиллайди. Ундан нарида Шўркўл. Бу ердан кўринмайди, аммо қирғоқларини копларан қамишзорнинг шовиллаши бемалол эшитиларди.

Эгамов кўрадаги ғалати жимликдан шубҳаланиб, коронғида мунғайиб турган қўтонга қараб юрди. Қайси кўз билан кўрсинки, қўтоннинг дарвозаси ланг очиқ. Ичкарида қимирлаган жон йўқ. Ҳайрон бўлиб турганида орқадан аёл кишининг ҳуркаккина товуши эшитилди:

— Эркагим мол кейинидан кетди, бова...

Эгамов орқага оғир ўгирилди. Саломлашиш ҳам ҳаёлидан кўтарилиб, бир дақиқа қаққайиб туриб қолди. «Ҳай, худо уриб қолиптиёв Чўпон болани!» — деган фикр ўтди кўнглидан. У шу пайт шамол кучайиб ёмғир пасайганини, қор аралаш ташлаётганини тўсатдан пайқаб қолди. «Нима қилиш керак?» — дея ўйланди. «Нима қилиш керак? Нима қилиш керак?...» — деган саволлар тўқ-тўқ тўқмоқ бўлиб тушарди бошига.

Сурув қочган томонни мўлжаллаб, машина билан изидан қувди. Эгамов йўлда кетяпти-ку, кўз ўнгида Чўпонбола. Қулоғида унинг минбардан сўзлаган сўзлари. Шартномада кўрсатилган ваъдалари катта эди: юзига икки юз кўзи. Ҳе-ҳа! Совлиқлари бари сара. Ўзи чатиштира-чатиштира, саралай-саралай яратган наслдор кўк қўйлар унга топширилган. Отаси донгдор чўпон эди. Кетидан эргаштириб юрар. Шунга одамлар ўғлини Чўпонбола, деб аташарди. Катта бўлди, отасининг қўлидан чўпон таёғини олди. Аммо, бари бир кўпчилик ўртасида оти Чўпонбола бўлиб қола берди. Ҳай, «Чўпонболани худо уриб қўйиптиёв», — дея дам-бадам пичирларди Эгамов қоп-қоронғи чўлга олазарак бўлиб тикилар экан.

Дарҳақиқат, йигирма еттинчи сентябрга ўтар кечаси Чўпонбола учун оғир бўлди. Кўшни совхоз билан тузиладиган мусобақа шартлари муҳокама қилинган мажлисдан димоғи чоғ, кўкраги тоғдай кўтарилиб чиқди. Аммо, ҳавонинг авзойини кўриб ўраги шув этди. Дарҳол мотоциклини ўт олдирди-ю, чўл ичига қуюндай солдириб кетди.

У қўрасига етиб келганида ёмғир кучайган эди. Ҳали яйловда ёйилиб юрган отарини қайтарди. Ўзи қўтонга олинроқ келиб, охурларга ем, туздонларга туз солаётган хотинига қарашди. Одатда, емга ўрганган, ўзларидек кетидан эргашиб келаверадиган қўйлари бу сафар негадир кела қолмади. Чўпонбола қўшхонанинг қаршисидаги саксовуллик қумтепага чиқиб қаради. Сурув кўринмади. Оқ серканинг бўйнидаги қўнғироғи ҳам жиринглямади. Қўққисдан ёмғир аралаш қор бўралади-да, бўрон гувиллаб ўтди. Чўпон боланинг эти сесканди. Коп-қора қуюқ қошлари чимирилди. Чопиб пастга тушди.

— Кур-эй! Кур-эй!

Жимгина туриб қулоқ солди. «Ба» деган жавоб йўқ. Бутазорларни, саксовуллик тўқайни айланди. Қамишзорни оралади. Зир югурди. Қўйлари ҳеч қаерда йўқ.

— Ер ютдими буларни? — деб қўяди у юрагидаги ҳадиги зўрайиб. Чўпонбола пайпаслаб юриб қор босса бошлаган қумлоқда янги туёк изларини топди. Топди-ю, кун ботишга қараб чопди. Ҳарсиллаб-ҳаллослаб жон-жаҳди билан югурди. Қўйлари, муқаррар, бўрон бошланганда қурқан-у, боши оққан ёққа қочган. Чўпонбола гоҳида кафтини қарнай қилиб, «қурей-қурей» деб чақирди. Қулоқ солиб турди-да, яна олдинга интилади. У қизиб-пишиб кетди. Сув терга тушди. Юқоридан ёмғир қуяди. Эгнидаги чопони жиққа ҳўл. Кийимлари зилдай: елкасидан босади. Бошидаги телпаги пешанасига тушиб кўзини тўсади. Бўлмади. Ер бағирлаб қаради. Кўзига оқ наматдай бир нима судралиб кетаётгандай бўлиб кўринди. Бу шубҳасиз сурув, ўзининг қўйлари! Яна зўр берди. Бироқ қани етолса. Ўпкаси ҳалқумига тиқилади. Оёқлари чалишиб-чалишиб кетади. Ҳолдан тойди. Қўйларини қуриб тўсишга кўзи етмади. Лойга ботган этигини ердан узиб олишининг ўзи бир азоб. Ботмондай келади. Ноилож қолганидан уни оёғидан суғуриб ташлади. Ахийри қувиб етди. Аммо, ураги ёрилгудай ҳурккан қўйларини қани қайтара олса! Селдай оқиб бораётган сурувкинг олдини тўсишга ёлғиз одамнинг чамаси келармиди! Чўпонбола ноилож-ликдан қўйларига эргашиб кетаверди. Тўхтатгани билан нима ҳам қила олардик? Чопа-чопа ҳолдан тойган, зужуди симобдай балқиб турган, терисидан қўйлар тўхтатилган тақдирда бари бирдай чўкади. Муздай ерга бағрини беради. Ё ўпкасини совуққа олдиради ёки тўрт оёғини тўрт ёққа чўзиб тарвақайлайди-ю, қотадиқолади. Чўпонбола буни яхши биларди. Шунинг учун ҳам совуқ суяк-суягидан ўтиб кемирса-да, тиши-тишига тегмай такиллаб бораётган эсада, сурувни тўхтатмади. Ҳай-ҳайлаб далда бериб, кетидан пилдираганча бораверди. Шу чоғ... Чўпонбола ўз кўзига ишониш-ишонмаслигини ҳам билмай ағрайганча қотиб қолди: ўнг қўл томонда турган тепаликнинг орқасидан оқиб чиққан сурув ўз сурувининг йўлини тўсди-ю, қўйлар аралашди-кетди.

Эгамов Чўпонбола билан унинг отарини туни билан қидирди. Йўл-йўлакай учраган қўраларга бош суқиб суриштирди. Улардан ҳол-аҳвол сўради.

Эрта тонгда... балки тонг отишига узоқдир, совуқдан ҳурпайган дастадаста шувоқ, адрасмон, ер бетида бор нарсани текис ёпган қордан ҳаммаёқ оқариб тонг отгандай кўрингандир унинг кўзига... Машинани йўлбарс келбатли тарғил итлар ўраб олди. Машинадан тушгундай бўлса, оёғидан олиши аниқ. Эгамов кабинада ўтириб кутди. Уст-устига сигнал берди. Қаёқдандир «кет»! деган пўписа эшитилди-ю, итлар ён-ёққа тарқади.

Эгамов эшикни очганида бошида қизил гуллик қора шол рўмол, эгнида қора духоба чопон, баланд бўйли аёлга кўзи тушди.

— Қўйларинг етаклаб келмаса, ўзларингча келмайсизлар, биз томонга. Қўшни деган бундай бўлмайдиқа! — аёл гинахонлик қилиб яқинлашаётган эди.

«Чўпонбола шу ерда экан», —Эгамов уҳ тортди. Елкасидан тоғ қулагандай бўлди. Шундан кейингина тикилиб қараб, рўпарасидаги аёлни таниди. Гулбиби экан-ку...: Қўшни совхознинг мана-мен, де

ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

Шонли сана — Монголия халқ революциясининг 53 йиллигига бағишланиб 19 июль куни Тошкент жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари қардош мамлакат меҳнаткашлари Монголия халқ революцион партияси раҳбарлигида экономика ва маданиятни ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришганликлари тўғрисида фахрланиб гапирдилар. Улар МХР халқига социалистик қурилишда янги муваффақиятлар тиладилар, Узбекистон меҳнаткашлари холис ниятли барча кишиларнинг манфаатига мос бўлиб тушаётган совет-монгол дўстлигини мустаҳкамлашга интилаётганликларини айтдилар.

Тошкент жамоатчилигининг вакиллари Монголия—Совет дўстлиги жамияти марказий кенгашига табрик телеграммаси йўлладилар.

* * *

Бухорода Монголия халқ революцияси ғалабасининг 53 йиллигига бағишланган совет — монгол дўстлиги кечаси ўтказилди.

Сўзга чиққан нотиқлар Бухоро меҳнаткашларининг Жанубий Гоби аймоғи билан алоқаларни йил сайин ривожлантираётганликларини айтдилар, социалистик қурилиш тажрибасини монгол дўстлари билан ўртоқлашаётганликларини таъкидладилар.

(ЎзТАГ).

Советлар мамлакатида

◆ СМОЛЕНСК

Шу ердаги заводда ишлаб чиқариладиган қуввати 400 ва 80 ваттли люминесцент лампаларнинг етти хилига Давлат сифат белгиси берилди. Лампаларнинг хизмат кўрсатиш муддати 12 минг соатга қадар етказилди. Бу давлат стандартида кўрсатилганидан 2 минг соат ортиқдир.

Эндиликда бу корхона барча люминесцент лампаларнинг тўртдан уч қисмини сифат белгиси билан чиқаряпти.

◆ БИРОБИЖАН

Кучли трансформаторлар заводининг автоматлаштирилган линиясидан стабилизаторларнинг дастлабки «Восток-2» янги модели тушганига эндигина олти ой бўлди. Бу стабилизатор аввалгиларига қараганда икки баравар енгил бўлиб, амалда шовқинсиз ишлайди. Аттестация комиссияси «Восток-2»га сифат белгиси берди. Бу йил шундай стабилизаторлардан 40 мингта ишлаб чиқарилади.

◆ ТАЛЛИН

Калинин номли электротехника заводида жуда қувватли ярим ўтказгичли ўзгартиргичлар учун синов станцияси қурила бошлади. Бу станция политехника институти кечки бўлимининг икки битириб чиқувчиси — корхона ходимларининг диплом лойиҳаси асосида барпо этилмоқда. С. Шведовский билан А. Буличев шу мавзуда биргаликда диплом ёқлашди. Уларнинг диплом иши «аъло» баҳога сазовор бўлди.

С. Шведовский билан А. Буличев ўрта мактабни тугатганлардан кейин корхонада 12 йил ишлашди. Ҳар иккиси ҳам шогирдликдан то юқори разрядли ишчи даражасигача бўлган йўлни босиб ўтишди. Ҳозир улар катта инженер бўлиб ишлашяпти. Таллин корхоналарида олий ўқув юртини битириб чиқувчиларнинг диплом лойиҳалари борган сари кўпроқ жорий қилинмоқда. Бундай мисолларни «Пунане Рэт» радиозаводида, машинасозлик заводида кўплаб учратиш мумкин.



Самарқанд гўзал обидалар шаҳри. Ўрта Осиёнинг бу қадимий шаҳрини ҳар куни юзлаб меҳмонлар келиб томоша қиладилар. Фотомухбир Д. Ниёзов олган ўз суратини «Мафтунингман, Самарқанд» деб номлабди.

ФАРЗАНДИМГА

Гўдаклик чоғингдан, мурғак ёшингдан,
Меҳримни нур каби тўкиб бошингдан,
Сени эркаладим жигарбандим деб,
Сени ардоқладим шакар, қандим деб.

Умидим: бағишлаб умр тотини,
Ширин қил, фарзандим, эл ҳаётини.
Сарвдай барваста бўлгунча бўйинг,
Нур билан тўлгунча тафаккур, ўйинг,
Сен учун садқадир бу бошгинам деб,
Бошимга кўтардим қуёшгинам деб.
Умидим: мунаввар бўлсин деб дунё,
Зиё соч фарзандим, зиё соч, зиё!

ЁНАВЕР ҚАЛБИМ!

Қора бўлма кўмирдай зинҳор,
Оқ бўл, қалбим, бамисоли қор.
Қордай бўлма совуқ ҳеч қачон,
Кўмир каби лов-лов этиб ён!
Ён! — чўғингдан эрисин музлар!
Ён! — чўғингдан нурлансин кўзлар!

Бобомурод ҚУРБОНОВ.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

27, 28 ИЮЛДА

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топган кунининг 50 йиллиги олдидан

УЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ

Муҳаммаджон МИРЗАЕВ

ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Қорақалпоғистон АССР халқ артисти, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Гулшод ОТАБОЕВА

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Гулсара ЕҚУБОВА, Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Маҳмуд МУҲАМЕДОВ;

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати

Карима УЗОҚОВА

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Дадахон ҲАСАНОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА, Урбугул СУЕРБОЕВА, Азиза ТУЛАГАНОВА, Шавкат МИРЗАЕВ;

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.

ПРОГРАММАНИ — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ ва Зуҳра ТЕМИРОВА олиб борадилар.

27 июлда концерт кеч соат 8 да, 28 июлда кундуз соат 5 ва 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ

ТЕЛЬМАН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

ЧЕХОСЛОВАКИЯ «ОЙМОМА-ПАРК» АТТРАКЦИОНИ КОМПЛЕКСИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

БОҒДА: АВТОДРОМ, КОСМОДРОМ, ТВИСТЕР, БОЛАЛАР КАРУСЕЛИ, ҚУНҒИРОҚЛИ ЙЎЛ, ЦЕНТРИФУГА АТТРАКЦИОНЛАРИ ИШЛАМОҚДА.

Шунингдек ютуқли тир ва кегельбан аттракционлари ишлайди.

Аттракционлар ҳар куни кеч соат 6 дан 10 гача; шанба кунлари — кундуз соат 4 дан, якшанба куни кундуз соат 2 дан кеч 10 гача ишлайди.

Дам олиш куни — душанба.

«ОЙМОМА-ПАРК» АТТРАКЦИОНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ВАТАН ДЕЯ...

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 50 йил

◆ ВЛАДИМИР КАРПОВ — АФСОНАВИЙ ҚАҲРАМОН.
◆ РЕСПУБЛИКАМИЗ ОЗОДЛИГИ УЧУН КУРАШГАНЛАР.
◆ ҲУРМАТГА САЗОВОР БЎЛГАН ЖАНГЧИ.

Чўлда, Қашқадарё билан Самарқанд области чегаралари кесишган жой яқинида, Узбекистон катта тракти ёнида, тепасига қизил юлдуз ўрнатилган одмигина ёдгорлик кўкка бўй чўзиб турибди. Ёдгорлик лавҳасида — Галабўта қишлоғида Туркистон 12-ўқчи полкининг командири Владимир Михайлович Карпов 1925 йил жангда қатнашиб, ҳалок бўлганлигини билдиради.

Қаҳрамон ҳалок бўлган ерга Самарқанддан революция ва гражданлар урушининг ветеранлари келишди. Бу ёдгорликни ана шу ветеранлар ўрнатган.

В. М. Карпов ҳаётининг айрим саҳифалари яқин кунларгача тарихчиларга номаълум эди. Узбекистон тарихи давлат музейи маданият ва санъат бўлимининг мудири Г. Попов билан музейнинг катта илмий ходими Э. Мирзаева архив ҳужжатларидан, ветеранлар хотирасидан қаҳрамоннинг таржимаи ҳолини тўла тиклашга муваффақ бўлдилар. Уларга Владимир Михайловичнинг полкдошлари самарқандлик И. Шевелев, шаҳрисабзлик Ф. Гибайдуллин, Қашқадарё область партия комитетининг собиқ вакили А. Раҳмонов, Яккабоғда истиқомат қилувчи Х. Хўжаевлар ёрдам беришди.

В. М. Карпов 1924 йилда Туркистонга тайинлангунга қадар шонли революцион ва жанговар йўлни босиб ўтди. Ўн саккиз яшарлик йигит Новочеркасскдан Москвага қўчиб бориб революционерларнинг тўғарагида ишлади. 1916 йилда большевиклар сафига аъзо бўлиб кирди. Қизил гвардиячи Карпов Замоскворечьеда 1917 йилнинг Октябрь қуролли қўзғолон кунларида баррикадалар ортида туриб жанг қилди, ботир жангчи Замоскворечье ишчи ва солдат депутатлари Совети биринчи ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди. Замоскворечье революцион комитети Владимир Михайлович Карповга Москва томонга бораётган 7- Сибирь казак полки штабига душман уясига кириб боришни топширди. Ёш коммунист бу хавфли ва масъулиятли ишни шараф билан бажарди. Казаклар Москвага кира олмадилар.

Қизил Армия қисмлари 1920 йил 21 февраль куни Архангельскни оқ интервенциячилардан тозалади. Полкка революциянинг 24 ёшли жангчиси Владимир Карпов командирлик қилди. У мардлик ва жасорат кўрсатганлиги учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Иккинчи Қизил Байроқ орденини—ўша пайтда жангда ўрнак кўрсатганлиги учун бериладиган энг олий нишон ҳисобланган орденни — Карпов оқ поляклларга қарши жанг қилганлиги учун олди.

Владимир Михайлович ҳарбий академияда қисқа вақт ўқиганидан кейин Туркистонга келади. Туркистонда у 12- Туркистон полкига командирлик қилади. Бу полк Шаҳрисабз районида босмачи шайкаларга қирон келтиради.

«Иш бошдан ошиб ётибди, шунга қарамай бу ишлар тез ва муваффақиятли бормоқда... сиёсий ишлар билан ҳам жуда кўп шуғулланишга тўғри келмоқда... Шарқнинг ҳамма проблемасини тўғри ҳал қилиш шуларга боғлиқ», — деб ёзади ўша пайтларда командир.

Партия уезд комитетининг аъзоси ва Шаҳрисабз ишчи ва деҳқон Советининг аъзоси бўлган Карпов қишлоқ меҳнаткашларининг уйида тез-тез меҳмон бўлиб туради. Большевик буюк ленинча ҳақиқат сўзларини деҳқонларга етказиб туради. Қашқадарё водийсининг қариялари унинг бир ишёла чой устидаги дилкаш суҳбатларини ҳали ҳамон ёдларида сақлаб келмоқдалар.

В. М. Карпов 1925 йилнинг апрель ойида революциянинг энг жанубий таянчи — Кушка қалъасига комендант этиб тайинланди. Бироқ у комендантлик лавозимида ишлашга муваффақ бўла олмади. Карпов Галабўта қишлоғи ёнидаги сўнгги жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Жангда ҳалок бўлган қаҳрамонни ҳарбий ҳурмат-эҳтиром билан Узбекистоннинг биринчи пойтахти — Самарқанднинг Қизил майдонига дафн этдилар.

Карпов хотираси Узбекистон диёрида яшаб келмоқда. Шаҳрисабз кўчаларидан бирига унинг номи қўйилган. Унинг қабрида ранг-баранг гуллар доимо очилиб турибди. Самарқанд музейининг Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган янги экспозицияси стендларидан бири унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

Россия фарзанди, ўзбек халқининг бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган большевик Владимир Михайлович Карпов шонли ленинчи — интернационалистлардан биридир, — унинг номи Узбекистондаги социализм қурилиши учун фидокорона курашган кишилар рўйхатидан абадий ўрин олган. Бу ҳақда қаҳрамон ҳалок бўлган ерга ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш чоғида ўтказилган митингда партия ва комсомол ветеранлари, етмишинчи йилларнинг комсомоллари сўзлаб бердилар.

С. ФЕНЮТИН,
(ЎзТАГ мухбири).

АХБОРОТ: ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

ОБЛАСТЛАРДАН ДАРАКЛАР

Янги автовокзал

Урганч шаҳрида замонавий типда янги автовокзал қурилиб ишга туширилди. Унда йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган бўлиб, ёзги ва қишки зал, ресторан, шаҳарлараро автомат телефон, оналар хонаси, тўртта касса мавжуд. Автовокзал ҳар куни 1500 — 1800 йўловчига хизмат қилмоқда. Автовокзал йўловчиларга яхши маданий хизмат кўрсатмоқда. Автобуслар янги маршрутлар бўйича областнинг Хива, Гурлан, Шовот, Қўшкўпир, Хонқа, Янгариқ ва Ҳазорасп районларига қатнаб, йўловчиларни ўз вақтида манзилга элтяпти. Бу ердан қардош Туркманистоннинг Тошовуз, Қорақалпоғистон АССРнинг Нукус шаҳарларига, шунингдек, Бухоро ва Самарқандга ҳам аниқ жадвал асосида автобуслар қатнаяпти.

А. ЭШМАТОВ, Ш. САФАРОВ. М. ХОЛМУРОДОВА.

Телефон станцияси

Бағдод районидаги «Ленинизм» колхозида 50 ўринли автомат телефон станцияси қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу қишлоқларда қурилган бешинчи станциядир. Шу туфайли «Большевик», «Победа», «Пахтакор», «Қизил Узбекистон» колхозларида телефон хизмати яхши йўлга қўйилди.

Автомат телефонлар колхоз марказини болалар боғчалари, чорвачилик фермалари, дала шийпонлари билан боғлаб, кўпчиликнинг юмушини енгил қилмоқда.

Ж. САРИМСОҚОВ.

Жамоатчи мухбирлар

«Қашқадарё ҳақиқати» область газетаси билан Узбекистон журналистлар союзи область бўлими ҳузуридаги журналистика билимлари халқ университетида машғулотлар тугади. Университет тингловчилари икки йил давомида олган амалий ва назарий билимлари юзасидан имтиҳон топширдилар.

Журналистика билимлари халқ университетини муваффақиятли тамомлаганларга «Жамоатчи мухбир» гувоҳномаси берилди.

Б. ШУКУРОВ.

Сентябрь ойи ҳисобига

Наманган области қурилишлари учун норуда материаллар ташишда пешқадамлик қилаётган 2- автобазанинг 250 дан ортиқ шофёри социалистик мусобақада алоҳида намуна кўрсатиб меҳнат қилаётир. Автобазанинг Наримон Абдурахмонов бошчилигидаги шофёрлар бригадаси сентябрь ойи ҳисобига халқ хўжалиги юкларини ташимоқда. Е. Кудрятов, М. Зулунов, Н. Аҳмедов каби зарбдорлар эса 1975 йил ҳисобига меҳнат қилишяпти.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

ОИЛА ҚУВОНЧИ

Эгизаклар

Фарғона областининг Бағдод районидаги «Ленинград» колхози аъзоси И. Ҳожиматов оиласида қувончли воқеа юз берди: уч эгизак туғилди. Чақалоқларга Фотима, Зуҳра, Хурсаной деб исм қўйилди. Янги меҳмонларга район марказидаги туғруқхона ходимлари медицина хизмати кўрсатишяпти.

Чақалоқлар ва уларнинг онаси Л. Ҳожиматова ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Э. РАҲИМОВ.

АХБОРОТ: ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

ТЕНГСИЗ ОЛИШУВ

Шунақаси ҳам бўлади

Хашак тайёрлаш ташвиши билан Томчи деган жойдаги пичанзорни айланиб юриб, ғалати ҳодисага дуч келдик. Эски қишлоқ харобалари яқинида эшак минган икки бола алланимани қизиқиб кузатишарди. Улар қўл силкиб бизни ҳам чақиришди. От жиловини ўша томонга бурдик. Ўттиз қадамча наридаги хашак орасида нимадир шитирдаб, ўт-ўланлар тўхтовсиз силкинарди. Яқинроқ бордик, Билакдек келадиган бир илон билан узунлиги тахминан 30-40 сантиметр йўғонгина эчкиэмар бир-бири билан олишмоқда эди.

Отдан тушиб сой лабидаги буталар панасига ўтдик. Эчкиэмарнинг рақиби кўзойнакли илон бўлиб, афтидан бир ҳаракат билан эчкиэмарни осонликча ютиб юборгудек эди. Бироқ, эчкиэмар ҳам жуда чаққон экан. Ҳали қарасангиз бир сакраб илон устидан у томонга ўтиб олади, секунд ўтмасдан бу томонга сакраб ўтиб, илонга ҳамла қилади. Илон уни тишлаб улгурган шекилли, эчкиэмарнинг у ер-бу ери қизарган, қон кўринарди.

Биз келганда олишув энди бошланган экан шекилли. Ҳар иккала жонивор астойдил «жанг» қилмоқда эди. Орадан 10-12 минутча вақт ўтди. Эчкиэмар тўсатдан «жанг майдони»ни ташлаб, сой ёқалаб шиддат билан чопиб қолди. Бир нарса дейишга ҳайрон бўлиб, дам илонга, дам эчкиэмарга қарардик. Эчкиэмар ўн беш қадамча наридаги ғовлаб ётган ўтга ўзини урди. Эчкиэмар зўр бериб суркалаётган ўт оддий иснриқ эди. Кейин яна илон томон отилди. Бу ҳол тўрт-беш марта такрорланди. Эчкиэмар ярасига «малҳам қилаётгани»да илон ўрнидан жилмай ярим танасини ердан кўтариб атрофга гердайиб қараб турар эди. «Дам олиш танаффуси» тугагач, эчкиэмар илонга яна ҳамла қиларди. Бундай пайтди у хурпайиб, кўрқинчли ҳолатга кирар, хуллас жангга шайланар эди.

Илон тишлаганда чирмашиб олишга ҳаракат қилар, аммо муҳолифи ҳам осонликча бўш келмасди. Охири эчкиэмарнинг ҳаракати сусайди, илондан аранг қутулиб ҳалиги ўт томон эмас, бошқа ёққа югуриб, бирдан ғойб бўлди. Икки минутчадан кейин худди эчкиэмар йўқ бўлиб қолган жойда катталиги ўртамиёна тарвуздек келадиган типратикон илон сари йўрғалаб келаверди. Илон уни кўриши билан орқага тисланди. Лекин типратикон лапанглаб бўлса ҳам кўзлаган манзилига етиб олган эди.

Илоннинг қиёфаси яна ўзгариб кетди, қоқ белидан кўтарилиб олди, бўйин териси икки томонга юпқа бўлиб чўзилди, Типратикон «игна қалқон» тагидан кўринар-кўринмас тумшуқчасини қимирлатиб қўққисдан илоннинг думига ташланди. Илон бир айланиб думини олиб қочаркан, кўрқинчли овоз чиқарарди. Ниҳоят типратикон илоннинг думини тутиб «игна қалқон» остига тортиб олди. Илон жаҳл билан оғиз солди, аммо тишига ҳеч нарса илинмадими, бошини негадир яна баланд кўтарди. Думини тинмай қимирлатар, типратикондан қутулишга уринарди. Охири илон бор кучи билан ҳамла қилди, лекин бир иш чиқмади шекилли, бошини юқори кўтариб, кап-кап оғзини оча бошлади. Илон шаштидан тушган, жанг тугаган эди.

Яқинроқ бориб, илонни типратикон найзаларидан ажратиб олдик. Унинг оғиз ва боши қон, кўзига ҳам типратикон пайзаси санчилган экан. Хуллас илоннинг куни битган эди. Болалар қизиқиб унинг бўйини ўлчаб кўришди: 1 метру 15 сантиметр келди.

Қизиқ, табиатда бу хил ҳодисанинг маълум қонуни бормикин? Эчкиэмар типратикондан кўмак сўрадами ёки унинг ўзи кутилмаганда ёрдамга келиб қолдими? Балки жониворлар ҳам кучлиларга қарши ҳажмиҳатлик билан курашишни инстинкт йўсинида бўлса ҳам ўрганиб олгандирлар.

Қ. ҚОСИМОВ,
Қашқадарё область, Яккабоғ районидаги Будённий номли от заводининг ветеринар техники.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.30 — ТОШКЕНТ. 9.35 — Янгиликлар. 9.40 — «Бойчечак». 10.20 — СССР 50 йиллиги пионерлар лагерида бир кун. 11.00 — МОСКВА. 11.05— Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.40 — СССР қора металлургия министри И. П. Казанецнинг чиқиши. 11.55 — Спорт программаси. 12.30 — СССР рангли металлургия министри Ю. Ф. Ломакоининг чиқиши. 12.45 — Концерт. 13.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 14.00 — Музикали киоска. 14.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 15.30 — Қишлоқ янгиликлари. 16.30 — Тошкент. 16.40 — Телефильм. 17.15 — Мактаб партасидан ишлаб чиқаришга. 17.45 — Бугун металлургларга кунг. 17.55— Ўн минут музика. 18.05 — Халқаро панорама (Москва). 18.45 — «Ахборот». 19.00 — Концерт. 19.40 — Нов-неъмат бунёдкори. 20.00— Оталар сўзи — ақлнинг кўзи. 20.55 — «Ахборот». 21.15 — Телеминиатюралар. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Марҳабо, талантлар. Хоразм область бадиий ҳаваскорларининг чиқиши. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 16.30 — МОСКВА. Олтин (бадиий фильм). 18.05 — ТОШКЕНТ. Киноэкран янгиликлари. 18.25 — Ҳужжатли фильм. 18.45 — МОСКВА. Польша Халқ Республикаси телевидениесининг программаси. 21.00 — Спортлото тиражи. 21.10 — Телефильм. 22.00 — Ҳужжатли кино экрани. (Тошкент). 22.30 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Океан — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Тўй тангоси — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «УЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), ҲАМЗА номли (11.00, 13.00, 15.00, 17.00).

Бинафша ранг акация —«СПУТНИК» (жуфт соатларда), «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Жар ёқасида — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Ерда ҳаёт бўлсин деб — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

«И» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари — ҲАМЗА номли (19.00, 20.30).

ЁЗГИ БИНОДА

Океан — «ФЕСТИВАЛЬ».

Тўй тангоси — «ХИВА».

ИТТИФОҚ «ОРГСЕЛЬТЕХМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ

3-МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН КЎЧМА КОЛОННАСИГА

республика областларида ишлаш учун монтажчилар, электр-газ пайвандчилар (меҳнат ҳақи ва 50% қўшимча тўланади); автомотористлар, **базага электриклар** (меҳнат ҳақи — вақтбай-мукофотли)

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Калинин районидаги «Ҳасанбой» посёлкаси.

ЯНГИЙЎЛ БРОЙЛЕР ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИГА

паррандабоқарлар, слесарлар, иш тажрибасига эга бўлган канализация иншоотлари, водопровод насос станцияларини тозаловчилар; ишчилар, электрмонтёрлар, иш тажрибасига эга бўлган зоотехниклар, бош электрик ўринбосари вазифасига инженер-электрик, бош иқтисодчи ва оддий иқтисодчилар, бухгалтерлар

КЕРАК

Ишга қабул қилинганлар турар-жой билан таъминланадилар. (Агар оилада ишловчилар сони 2 кишидан кам бўлмаса). **Еш болалар учун «болалар боғчаси-ясли» мавжуд.**

Шу билан бир қаторда фабрикага 9-10 синф ўқувчилар ёзги каникул вақтида вақтинча ишга қабул қилиниб, ётоқхона билан таъминланадилар.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИДАН ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИГА АВТОБУС ҚАТНАЙДИ.

Узбекистон ССР Маданият министрлиги М. Қориёқубов номли Узбек Давлат филармониясининг директори Қ. Содиқовга онаси

Зулфия СОДИҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари институт бирлашган касаба союз комитети раиси Н. Усмоновга отаси

Усмон САЛИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Узбекистон ССР Маданият министрлиги, Театр ва музика муассасалари бош бошқармаси, Узбек Давлат филармонияси коллективлари санъатшунос М. Қодировга отаси

Абдухалил ҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент Қурилиш материаллари илмий-тадқиқот институти дирекцияси, партия ва маҳаллий комитетлари институтнинг иқтисодий тадқиқотлар лабораторияси мудири М. А. Алимовга акаси

Аҳмад Алимович АЛИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р-01669. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. 170.